

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ПЕДАГОГИК БОШҚАРУВ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчи: *M. Уралова*

Фарғона – 2014

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР	3
ТАҚВИМ МАВЗУЙ РЕЖА	7
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ	8
МАЪРУЗА МАТНИ	33
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	54
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.....	58
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ТОПШИРИҚЛАРИ.....	59
ГЛОССАРИЙ	60
ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР	63
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:	78

ИШЧИ ДАСТУР

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Педагогик бошқарув назарияси ва амалиёти” модулининг мақсади: Педагогик бошқарув курси олий таълим профессор-ўқитувчиларини бошқарув назарияси асосларига доир билимларини кенгайтириш, уларда самарали бошқарув техникасини ривожлантиришни мақсад қилиб қўйяди.

“Педагогик бошқарув назарияси ва амалиёти” модулининг вазифалари:

- Тингловчиларга педагогик бошқарув моҳиятини очиб берувчи маълумотлар бериш;
- Тингловчиларда педагогик бошқарув қўникмаларини ривожлантиривчи тренинглар ташкиллаш.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Педагогик бошқарув назарияси ва амалиёти” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

-педагогик бошқарувнинг методологик асослари, бошқарув турлари ва уларнинг таснифи, бошқарувнинг мақсади, педагогик бошқарув тараққиётининг асосий босқичлари ва йўналишлари, педагогик бошқарув ва унинг турлари, педагогик бошқарувда етакчилик (лидерлик) моделлари, педагогик жамоа - педагог”, “педагог – ўқитувчи”, “талаба – педагог – оила” каби тизимларнинг муносабати ҳақида билимларга эга бўлиши керак;

-педагогик вазият ва педагогик низо (конфликт)ларни таҳлил этиш ва самарали ечиш қўникмаларига эга бўлиши лозим;

-бошқарув фаолиятини тўғри режалаштириш малакасига эга бўлиши зарур.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Педагогик бошқарув назарияси ва амалиёти фани барча педагогик, психологик фанлар, жумладан, ўқув режадаги ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш, олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, педагогнинг нутқ маданияти фанлари билан боғлиқликда ўрганилади, улардаги маълумотларга таянади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик бошқарув назарияси ва амалиёти доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил тальим	
			Аудитория ўқув юкламаси						
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот			
1.	Педагогик бошқарувнинг методологик асослари. Педагогик бошқарув хусусиятлари.			2					
2.	Педагогик бошқарув самарадорлигини таъминлаш йўллари.				2				
3.	“Педагогик жамоа - Педагог”, “Педагог – талаба”, “Талаба – Педагог – Оила” каби тизимларнинг муносабати.							2	
4.	Педагогик бошқарув самарадорлигини таъминлаш техникаси.						2		
	Жами:		8	6	2	2	2	2	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзуу: Педагогик бошқарувнинг методологик асослари.

Педагогик бошқарув хусусиятлари (2 соат)

Р Е Ж А:

1. Педагогик бошқарувнинг методологик асослари. Педагогик бошқарувнинг мақсади.
2. Педагогик бошқарув методлари.
3. Педагогик бошқарув тараққиётининг асосий босқичлари ва йўналишлари.

Кўлланиладиган педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни: визуал маъруза, эвристик сухбат, тушунтириш, мунозара, “кубик” стратегияси.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Педагогик бошқарув самарадорлигини таъминлаш омиллари.

P E Ж A:

1. Педагогик бошқарув турлари.
2. Педагогик вазият ва педагогик низо (конфликт).
3. Педагогик бошқарув самарадорлигини таъминлаш техникаси.

Кўлланиладиган педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни:
Концептуал жадвал, муаммоли вазият таҳлили, ролли ўйин.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Олий таълим муассасасида ўқув машғулотини кузатиш ва ўқитувчининг машғулот давомида қўллаган бошқарув услубини, қўллаган педагогик бошқарув самарадорлигини таъминлаш техникарини аниқлаш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУСИ

1. “Педагогик жамоа - Педагог”, “Педагог – талаба”, “Талаба – Педагог – Оила” каби тизимларнинг муносабати.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -384 б.
2. Алимов Х.М. Бошқарув мулоқотининг психологик асослари – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тстеъдод” Жамғармаси, Республика таълим муассасалари раҳбар кадрларининг «Таълим муассасалари бошқаруви» курси материаллари.
1. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005. 213 б.
2. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. – 2002. 7-сон. С. 12-16.
3. Ҳайитов О.Э, Лутфуллаева Н.Х. Психодиагностика ва амалий психология. Маъruzalар матни тўплами. – Т.: 2005.
4. Чернышев А.С. Практикум по решению конфликтных педагогических ситуаций. – М., 1998. 221 с.
5. Шугуров М.В. Социальный конфликт и самоосуществление личности. – Саратов, 1994. 236 с.

6. Югай А.Х. Лабораторно-практические занятия по психологии - Т.: ТДПУ, 2008. 92 с.
7. Уралова М. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат (услубий кўрсатма) – Фарғона, ФДУ, 2008.

Интернет маълумотлари:

1. <http://www.press-service.uz>
2. <http://www.gov.uz>
3. <http://www.uz>
4. <http://www.infocom.uz>
5. <http://www.ziyonet.uz>
6. <http://www.edu.uz>
7. <http://www.nuu.uz>
8. <http://ezgulik.uz/upload/iblock/c69/c69a85826cddd0ba3d2af3bf4b5f0021.doc> -
“Ёшларда етакчилик қобилияти ва бошқарув маҳоратини ривожлантириш”
(маъруза матни) – Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги давлат бошқаруви академияси

ТАҚВИМ МАВЗУЙ РЕЖА

<i>№</i>	<i>Мавзулар</i>	<i>Машгулот түри</i>	<i>Соати</i>	<i>Ўтказиш муддати</i>
1.	Педагогик бошқарувнинг методологик асослари. Педагогик бошқарув хусусиятлари.	Маъруза	2	ҳар ойнинг учинчи ҳафтаси
2.	Педагогик бошқарув самардорлигини таъминлаш йўллари.	Амалий	2	ҳар ойнинг тўртинчи ҳафтаси
3.	“Педагогик жамоа - Педагог”, “Педагог – талаба”, “Талаба – Педагог – Оила” каби тизимларнинг муносабати.	Мустақил таълим	2	ҳар ойнинг тўртинчи ҳафтаси
4.	Педагогик бошқарув самардорлигини таъминлаш техникаси.	Кўчма машғулот	2	ҳар ойнинг тўртинчи ҳафтаси

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Маъруза машғулотини ташкил этишининг шакл ва хусусиятлари:

№	Маъруза шакллари	Ўзига хос тавсифловчи хусусиятлари
1.	Кириш маърузаси	Фан тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради. Педагогик вазифаси: тингловчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан таништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари билан таништириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўқув-услубий адабиётлар таҳлилини бериш, ҳисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шаклларини белгилаш.
2.	Ахборотли маъруза	Маърузанинг одатдаги анъанавий тури. Педагогик вазифаси: ўқув маълумотларини баён қилиш ва тушунтириш.
3.	Муаммоли маъруза	Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилиги орқали берилади. Бунда тингловчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ёчимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш.
4.	Визуал маъруза	Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намойиш этиш ҳамда уларга аниқ ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишнинг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш.

Мавзу	Педагогик бошқарувнинг методологик асослари. Педагогик бошқарув хусусиятлари.
Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели	
Вақти – 2 соат	Тингловчилар сони: 15-30 та
Машгулот тури	Кириш, муаммоли, визуал маъруза
Маъруза режаси	<ol style="list-style-type: none"> Педагогик бошқарувнинг методологик асослари. Педагогик бошқарув методлари. Педагогик бошқарув тараққиётининг асосий босқичлари ва йўналишлари.
<p>Ўқув машғулотининг мақсади: Тингловчиларда педагогик бошқарув, унинг мақсад ва моҳияти ҳақида умумий тасаввурни ҳосил қилиш, уларда ўзларида самарали бошқарувни ташкиллаш учун зарурый кўникмаларни шакллантиришга мотивацияни шакллантириш.</p>	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолиятининг натижалари:
<ul style="list-style-type: none"> Тингловчиларни ўқув модули мақсад ва вазифалари, қисқача мазмуни, таълим шакллари билан таништириш. Тингловчиларни фаоллаштириш, мавзуга йўналтириш, уларда мавзуга оид мавжуд билим ва тасаввурларни аниқлаш. Таълим-тарбия жараёнида педагогик бошқарувнинг аҳамиятинини тушунтириш. Педагогик бошқарувнинг методологик асослари, педагогик бошқарув мақсадларини очиб берувчи маълумотларни баён этиш. Педагогик бошқарув методларини таърифлаб бериш. Педагогик бошқарув тараққиётининг асосий босқичлари ва йўналишларини кўрсатиб бериш. Мавзу бўйича тингловчилар билимларини мустаҳкамлаш ҳамда кейинги мавзуга йўналтириш. 	<ul style="list-style-type: none"> Ўқув модули ҳақида умумий тасаввурга эга бўладилар. Мавзуга оид билимлари фаоллашади, мавзуга нисбатан мотивация шаклланади. Таълим-тарбия жараёнида педагогик бошқарувнинг аҳамиятинини англайдилар. Педагогик бошқарувнинг методологик асослари, педагогик бошқарув мақсадлари ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Педагогик бошқарув методларини санаб бера оладилар, таърифларини айтиб бера оладилар, ҳар бир усулнинг хусусиятини кўрсатиб бера оладилар. Педагогик бошқарув тараққиётининг асосий босқичлари ва йўналишларини таърифлаб бера оладилар. Мавзу бўйича олган билимларни умумлаштира оладилар, ўқув модулига қизиқиш намойиш қиласилар.
Таълим усуллари	визуал маъруза, эвристик сухбат, тушунтириш, мунозара, “кубик” стратегияси
Таълим воситалари	мультимедиа воситалари, электрон тақдимот.
Таълимни ташкил этиш шакли	оммавий, жамоавий
Таълимни ташкил этиш шароити	Мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудитория
Назорат ва баҳолаш	Эвристик сухбат, кластер, “кубик” стратегияси

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Босқичлар, вақт</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Педагог</i>	<i>Тингловчилар</i>
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлайди.</p>	
II-босқич Кириш (10 дақиқа)	<p>2.1. Ўқув модули мақсад ва вазифалари, ўраганиладиган мавзуларнинг номи, машғулот шакллари, мустақил таълим мазмуни ва бажариш тартибини визуал маъруза усулида баён этади (1-илова).</p> <p>Тингловчилар саволларига жавоб беради.</p>	Тинглайдилар, электрон тақдимот материаллари билан танишадилар, аниқлаштирувчи саволлар берадилар.
III-босқич Асосий қисм (65 дақиқа)	<p>3.1. Эвристик сұхбат ўтказади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Нима сабабдан ҳар қандай жараён самарадорлиги, биринчи ўринда унда бошқарув қай даражада ташкилланғанлигига боғлиқ, деган фикр мажуд. Бу фикрга қўшиласизми? - Педагогик фаолиятга бошқарувнинг нима алоқаси бор? - Бундан қандай хуоса қилиш мумкин? <p>3.2. Педагогик бошқарувнинг методологик асослари, педагогик бошқарув мақсадларини очиб берувчи маълумотларни визуал маъруза усулида баён этади (2-илова).</p> <p>3.3. Мультимедиа тақдимот орқали Педагогик бошқарув методларини визуал маъруза, тушунтириш усулларини қўллаб таърифлаб беради (3-илова).</p> <p>3.4. Мультимедиа тақдимот орқали педагогик бошқарув тараққиётининг асосий босқичлари ва йўналишларини визуал маъруза, тушунтириш усулларини беради (4-илова).</p>	<p>Сұхбатда иштирок этадилар.</p> <p>Тақдимот мазмуни билан танишадилар, Ўқитувчига саволлар берадилар, масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.</p> <p>Тақдимот мазмуни билан танишадилар, Ўқитувчига саволлар берадилар, масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.</p> <p>Тақдимот мазмуни билан танишадилар, Ўқитувчига саволлар берадилар, масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.</p>

	<p>3.5. Мавзу бўйича тингловчилар билимларини мустаҳкамлаш ҳамда кейинги мавзуга йўналтириш мақсадида мунозара ташкиллайди:</p> <p>1. Тингловчиларга қуидаги саволларни беради</p> <ul style="list-style-type: none"> - Педагогик жараённи тўлиқ бошқарилувчан қилиш мумкинми? - Педагогик жараённи тўлиқ бошқарилувчан қилиш шартми? <p>2. Саволлар бўйича мунозарани бошқаради.</p> <p>3. Мунозара бўйича якунловчи кичик хulosса қиласи ва кейинги машғулот мавзусини эълон қилиб, мунозарани келтириб чиқарган саволларга мустақил равишда манбалардан фойдаланиб, ўз касбий тажрибасини таҳлил қилиб жавоб топиш вазифасини беради.</p>	<ul style="list-style-type: none"> - Саволларни тинглайдилар; - Мунозарада қатнашадилар - Мавзу бўйича мустақил иш вазифаси билан танишадилар.
IV-босқич Якуний қисм (5 дақика)	<p>1. Якуний хulosса қилиб, тингловчилар фаолиятини шарҳлади;</p> <p>2. Тингловачилар фаолиятини “кубик” стратегиясига асослаб ташкиллайди (5-илова)</p>	Машғулот стратегияси таҳлилида иштирок этадилар; Саволларга жавоб бериб, рефлексияни оширадилар.

Иловалар:

1-и洛ва

Ўқув модул бўйича ишчи дастурнинг электрон кўриниши.

2-и洛ва

Педагогик бошқарувнинг методологик асослари. Педагогик бошқарувнинг мақсади.

Ўқитувчи

—

Бошқарувчи

?



Ўқитувчи фаолиятини бошқарув фаолияти, деб таърифлаш мумкин.

Сабаби, педагог таълим олувчилар фаолиятини бошқаради.


Ижтимоий тизимларда бошқарувчи орган ва бошқарилувчи тизим ҳар иккиси ҳам субъектдир (шахслар ёки ташкилотлар).



Бошқарув бошқарувчи органларининг бошқарилувчи субъектларнинг фаолиятини ташкиллашга қаратилган фаолиятдир.

“Педагог - таълим олувчи” муносабатларини ўз ичига олган педагогик тизимга

нисбатан бу таъриф педагогнинг таълим олувчиликнинг таълимий фаолиятини бошқаришни англатади.



Бошқарув мақсади ўқитувчи (ўқувчи) фаолиятидан кутилаётган натижага эришиш экан, ушбу **жараён мезонларини** аниқ тасаввур қилиш зарур.

Бошқарув назарияси бошқариш фаолияти самарадорлиги бошқариш натижасида бошқарилувчи тизимда юзага келган холат **самарадорлик даражаси** билан аниқланади.



ПЕДАГОГИК БОШҚАРУВ

Таълим

Тарбия

Ривожлантириш

Тамойиллари
Усуллари
Шакллари

Тамойиллари
Усуллари
Шакллари

Тамойиллари
Усуллари
Шакллари

ПБ нинг таркибий қисмлари


мотивни
шакллантириши

мақсадни аниқлаш

БКМ лар
шаклланиш жараёни
назорати


субъектлар ўртасида
коммуникатив
алоқаларини
ўрнатиш


Бугунги кунда тизимли ёндашув дидактик муаммоларни ҳал қилишга қаратилған янги таълим тизимни мақсадлашдан бошлаб, то унинг самарадорлигини аниқлаш, апробация ва татбиқ қилишгача бўлган жараённи бошқаришда педагогик технологияларни қўллаш имкониятини беради.



З-илова

Педагогик бошқарув методлари			
Маъмурий усуллар	Иқтисодий усуллар	Ижтимоий усуллар	Психологик усуллар
ҳокимият, интизом, жазолашга асосланади	иқтисодий қонунларни қўллашга асосланади	шахсга “жамоа фикри” орқали таъсир этишга асосланади	инсон психологияси, унинг ички дунёсини билишга асосланади





Психологик усуллар муайян педагог ёки талаба шахсига қаратылған:

- **Психологик режалаштириш**

(жамоада мақбул психологикмұхитни шакллантиришга қаратылған).



- **Психология инсоннинг психологик ҳолатини түғри таҳлил қилиш, унинг психологик портретини тузиш, унинг рухиятидаги муаммоларни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиш ва жамоада мақбул психологик мұхитни шакллантиришга ёрдам беради.**



Ўқув машғулоти жараёнида бошқарув самарадорлигини ошириш учун қатор омилларни инобатта олиш зарур:

- **Машғулот давомида ўқув материалини талабалар томонидан қабул қилинишининг умумий қонуниятларини.**



- **Машғулот давомида фаолият турларини ўзгартыриб туриш муаммосини.**



- **Ўқув машғулоти вақтини түғри тақсимлаш.**



- **Дидактик материалларни мақсадлы ва самарали қўллаш.**



- Кўлланиладиган усуларни машғулот тузилмаси, талабалар ёши ва ривожланиш даражасидан келиб чиқиб танлаш.



- Талабалар ўқув фаолияти натижалари назоратини олиб бориш.




- Педагог ва талабаларнинг меҳнат муҳофазаси ҳамда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиши.



4-илова

Педагогик бошқарув тараққиётининг асосий босқичлари ва йўналишлари.


Бошқарувни самарали олиб бориш учун унинг стратегиясини тўғри тузиш керак. Қатор олимлар ўз тадқиқотларида бошқарувни тўрт функциясини ажратиб кўрсатадилар: режалаштириш, ташкиллаш, рағбатлантириш ва назорат. Ушбу функцияларнинг кетма кет узлуксиз амалга оширилиши бошқариш фаолияти циклини ташкиллайди.



5-илова.

«КУБИК» -СТРАТЕГИЯСИ

«Кубиклар» бу машғулотда берилган маълумотларни таҳлил қилишни осонлаштирадиган ўқитиш усулидир. Ушбу усулни қўллаш учун ўқитувчи томонидан куб шаклида ишланган восита тайёрланади.



Унинг ҳар бир томонига талабаларга бериладиган савол ёки топшириқ ёзилади (саволлар узун бўлса, фақат савол рақами ёзилиб, саволларнинг ўзи алоҳида ва рақларда бўлиши ҳам мумкин). Саволлар мантиқий кетма-кетлигда берилгани маъқул.

Ўқитувчи машғулотда ўрганилган мавзу, асосий факт/ходиса номини эълон қилиб, кубикнинг ҳар бир томонига ёзиг қўйилган савол ва топшириқлар асосида унинг таҳлилини амалга оширишни таклиф қиласди. Мазкур машғулот учун ишланган кубик саволлари (кубикнинг 6 та томонига 1 тадан савол/топшириқ):

Таҳлил мавзуси - ПЕДАГОГИК БОШҚАРУВ (ПБ)

1. ПБ нима? (таърифини келтиринг)
2. ПБ қандай? (муҳим хусусиятларини санаб беринг)
3. ПБни нимага ўхшатиш мумкин?
4. ПБни ишлаб чиқаришдаги бошқарув билан таққосланг (бунда умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқланг)
5. Ўқитувчи томонидан бериладиган фикр: “ПБ кечиши фақат муайян ўқитувчи маҳоратига боғлиқ” (фикрни ёқланг ёки инкор қилинг, тасдиқловчи ёки инкор этувчи далиллар келтиринг)
6. Машғулотда олган билимингиздан келиб чиқиб, ўз касбий фаолиятингизда амалга оширадиган педагогик бошқарувга қандай коррекция киритган бўлар эдингиз?

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Мавзу

Педагогик бошқарув самарадорлигини таъминлаш омиллари.

Амалий машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти – 2 соат	Тингловчилар сони: 15-30 та
Машғулот тури	Билимларни кенгайтириш ва амалий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган машғулот.
Маъруза режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Педагогик бошқарув турлари. 2. Педагогик вазият ва педагогик низо (конфликт). 3. Педагогик бошқарув самарадорлигини таъминлаш техникаси.
Ўқув машғулотининг мақсади: тингловчиларда педагогик бошқарув турлари ҳақида мавжуд билимларни кенгайтириши, педагогик бошқарув самарадорлигини таъминловчи зарурий кўникмаларини ривожлантириши.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолиятининг натижалари:
<ul style="list-style-type: none"> • Педагогик бошқарув турлари бўйича билимларни кенгайтиришга қаратилган фаолиятни ташкиллаш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Педагогик бошқарув турларини тавсифлаб бера оладилар.
<ul style="list-style-type: none"> • Педагогик вазиятларни самарали ечиш кўникмаларини ривожлантирувчи фаолиятни ташкиллаш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Педагогик вазиятларни самарали ечиш йўлларини таклиф қила оладилар.
Таълим усуллари	Концептуал жадвал, муаммоли вазият таҳлили, ролли ўйин.
Таълим воситалари	Тарқатма материаллар, ФЁТВ (фикрларни ёзиш ва тақдим этиш учун воситалар).
Таълимни ташкил этиш шакли	Гурухий, якка тартибда
Таълимни ташкил этиш шароити	Гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Назорат ва баҳолаш	Концептуал жадвал, муаммоли вазият таҳлили, ролли ўйин.

Амалий машғулот технологик харитаси

Босқичлар, вақт	Фаолият мазмуни	
	Педагог	Тингловчилар
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	1.1.Мавзу бўйича тарқатма материалларни тайёрлайди.	
II-босқич Кириш (10 дақиқа)	<p>2.1.Педагогик бошқарув турлари бўйича билимларни кенгайтиришга қаратилган фаолиятни концептуал жадвал асосида ташкиллайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> -тингловчиларни 3 та гурухга бўлади; -концептуал жадвал тузиш бўйича йўриқнома беради (1-илова); -назарий маълумотларни тарқатади (2-илова); - гуруҳлар фаолиятини кузатиб, бошқариб туради; - ишлар тақдимотини ташкиллайди; - натижаларни шарҳлаб, баҳолайди 	<ul style="list-style-type: none"> - Кичик гуруҳларга бўлинадилар; - йўриқнома билан танишиб чиқадилар; -назарий маълумотларни ўрганиб чиқадилар; -гуруҳларда концептуал жадвал тузадилар; - жадваллар тақдимотида қатнашадилар.
III-босқич Асосий қисм (65 дақиқа)	<p>3.1.Педагогик вазиятларни самарали ечиш кўникмаларини ривожлантирувчи фаолиятни гуруҳларда муаммоли вазият таҳлили усули асосида ташкиллайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - гуруҳларга муаммоли педагогик вазиятни тавсифловчи матинни тарқатади (3-илова); -педагогик вазиятни таҳлил қилиш алгоритми матнини тарқатади (4-илова); - гуруҳлар фаолиятини кузатиб, бошқариб туради; - ишлар тақдимотини ташкиллайди; - натижаларни шарҳлаб, баҳолайди. 	<ul style="list-style-type: none"> - муаммоли педагогик вазиятни тавсифловчи матин мазмунини ўрганиб чиқадилар; - педагогик вазиятни таҳлил қилиш алгоритми матнини ўрганиб чиқадилар; -берилган алгоритм асосида муаммоли вазият ечимини излайдилар; -тақдимотда қатнашадилар; -баҳолар билан танишадилар
	<p>3.2.Педагогик бошқарув самарадорлигини таъминлаш техникасини ривожлантиришга қаратилган фаолиятни якка тартибда ролли ўйин усули асосида ташкиллайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> -низоли вазиятлар ёзилган карточкаларни тарқатади (5-илова); - вазиятлар бўйича тайёргарлик жараёнини кузатади; - роллар ижросини ташкиллайди, шарҳлайди ва баҳолайди. 	<ul style="list-style-type: none"> - Вазифа билан танишадилар; - Ролни ижро этишга тайёрланадилар; - Ролларни ижро этадилар.

IV-босқич Яқуний қисм (5 дақықа)	<p>1. Яқуний хулоса қилиб, тингловчилар фаолиятини шархлады;</p> <p>2. Қуйидаги саволлар ёрдамида тингловчилар рефлексив фаолиятини ташкиллады:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Машғулотда нималарни ўргандим? - Қандай хулоса чиқардим? -Мен учун нималар янгилик бўлди? -Нимага нисбатан муносабатим ўзгарди? -Бугун олган билимларни қандай кўллайман? 	<p>Машғулот стратегияси таҳлилида иштирок этадилар;</p> <p>Саволларга жавоб береб, рефлексияни амалга оширадилар.</p>
---	--	---

1-илова

Концептуал жадвал

Концептуал жадвал

- ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, қараш, мавзува шу кабиларни икки ва ундан ортиқ жиҳат бўйича таққослаш имконини беради.

Тизимли мушоҳада килиш, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

Концептуал жадвал тузиш қоидалари билан танишилади. Таққосланадиган нарса аниқланади, таққослаш амалга ошириладиган тавсифлар ажратилади.

Якка тартибда ёки мини-гурухларда концептуал жадвал қурилади ва у тўлдирилади;

- вертикал бўйича - таққослаш талаб этиладиган нарсалар (қарашлар, назариялар) жойлаштирилади
- горизонтал бўйича – таққослашни амалга оширишдаги ҳар хил тавсифлар жойлаштирилади.

Иши натижаси тақдимоти

КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ

Бошқарув услублар турлари

Тавсифлар, тоифалар, ажралиб турадиган белгилар ва шу кабилар

Авторитар услуг

Демократик услуг

Либерал услуг


Бошқарув услублари.



Юқорида ўқитувчи педагогик жараёнда турли функцияларни бажариши, улар ичиде энг муҳими бошқарув функцияси эканлигини таъкидлаб ўтдик. Педагогик жараён самарадорлиги унинг қандай ташкилланганлиги, қайтувчан алоқаларнинг тўғри ўрналилганлигига тўғридан-тўғри боғлиқ. Ўзаро мулоқотни бошқариш, унга маълум тус бериш ўқитувчи қўлидадир. Бошқарув услублари ҳақида билимга, етарли тажрибага эга бўлган ўқитувчи педагогик жараёнда талabalарга самарали педагогик таъсир ўтказа олади.

Психологияда турли типдаги бошқарувчиларнинг ижтимоий психологик портрети ишлаб чиқилган – бунда уларнинг бошқарувида бўлган жамоа билан мулоқоти техникаси таҳлил қилинади. Ўқитувчи ҳам педагогик жараёнда бошқарувчи функциясини бажаради. Бошқарув услубларининг учта асосий турини ўзаро таъсир қилиш нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Авторитар услуг. Талабалар фаолиятига тегишли барча масалаларни, ҳаттоғи ким қаерда ўтиришигача ўқитувчи якка ўзи ҳал қиласы, талабалар томонидан чиқадиган барча ташаббусни тақиқлайды.



Бу услугни қўлловчи ўқитувчининг мулоқот усуллари буйруқ, қўрсатма, инструкция, танбех. Бундай ўқитувчи талабалар хатога йўл қўйсалар хатони тузатиш йўлини қўрсатиш ўрнига уларни мазаҳлайди, гурухдошлари олдида изза қиласы. Бундай ўқитувчининг гапириши буйруқтомуз бўлади, эътиrozларга йўл қўймайди.

Демократик услуг. Бунда ўқитувчи жамоа фикрига таянган ҳолда иш тутади, фаолият мақсадини барча талабага етказишга ҳаракат қиласы, фаолиятнинг кечишини муҳокама қилишга барчани жалб этади; ўз вазифасини фақат назорат ва мунофиқлаштириш деб билмай, тарбия билан ҳам шуғулланади; барча талабани раҳбатлантиради ва уларда ўз-ўзига ишончни шакллантиради; жамоада ўз-ўзини бошқариш ривожланади. Бу услугни қўлловчи ўқитувчи барча жамоа аъзоларининг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда улар ўртасида вазифаларни тенг бўлишга ҳаракат қиласы; ташабbus ва фаолликни рағбатлантиради. Бундай ўқитувчи мулоқотда қўллайдиган усуллари илтимос, маслаҳат, ахборот беришдир.



Либерал услуг — бошқача қилиб айтганда, анархик. Ўқитувчи жамоа ҳаётига умуман аралашмасликка ҳаракат қиласы, фаоллиги суст, муаммоларни юзаки кўриб чиқади, бошқаларнинг таъсирига осон тушиб қолади. Маъсулиятдан ўзини олиб қочади ва ўз авторитетини йўқотади.



Бошқаришнинг авторитар услуби қўлланилганда гуруҳдаги иш самарали кечеётгандек туйилади. Лекин бундай услугда бошқариладиган жамоада номувофик психологик муҳит шаклланади. Социологлар таъкидлашича, айнан шундай жамоаларда невротиклар кўп учрар экан. Мулоқотдаги авторитарлик ҳар хил кўринишларда учрайди. У яширин, билвосита бўлиши ҳам мумкин.

Бошқаришнинг энг самарали услуги **демократик услугдир**. Бунда сон жиҳатидан кўриб чиқиладиган кўсаткичлар авторитар услуг қўлланилган жамоаниқидан пастроқ бўлиши мумкин, лекин талабалар билим олишга ўзлари ошиқадилар, талабалар ижодий ишларни бажаришга ҳаракат қиласилар, уларда мусъулият хисси шаклланади. Услубларнинг энг самарасизи либерал услугдир. Унда камроқ ишлар амалга оширилади, сифати ҳам паст бўлади.

Авторитар услугни кўпроқ тажрибаси кам ёки маданияти паст даражада бўлган, талабаларни ўзига хос хусусиятларини менсимайдиган, тарбияланувчилар ўз-ўзини бошқариши тамойилига риоя этмайдиган ўқитувчилар кўллайдилар.

Авторитар услугни бартараф этишга жамоада юқори аҳлоқий муносабатлар, инсонпарварлик ғояларига асосланган ҳақиқий муомала маданиятини ўрнатилиши, педагогик бошқарув билан бир қаторда ўз-ўзини боқаришни ҳам ривожлантириш орқали эришилади.

ПЕДАГОГИК ВАЗИЯТ

Университетда фалсафа фанидан машғулот пайтида З.Хасанов ўқитувчи берәётган маълумотлардаги фикрга зид фикр берди ва ўз нуқтаи назарини Интернет-сайтида жойлаштирилган инглиз тилида берилган мақоладаги фикрлар билан исботлашга ҳаракат қилди. Ўқитувчи унга қуйидагича жавоб берди:

- **Маъруза матнини йирик олимлар тадқиқотларига асосланиб тузганман. Шу олимлар билан баҳслашиш учун кучинг етадими? Кўп майнавозчилик қилмасдан ўтирангчи.**



4-илюстрация – Тарқатма материаллар

Таҳлил алгоритми (гурухий фаолият):

- **Ўқитувчига вазият юзасидан аниқлаштирувчи саволларни шакллантиринг ва уларни ўқитувчига беринг.**
- **Олинган маълумотлардан келиб чиқиб, вазиятни қайтадан кўриб чиқинг.**
- **Педагогик вазият муаммосини аниқланг ва шакллантиринг.**
- **Балиқ скелети график органайзери асосида муаммо деталларини аниқлаштиринг.**
- **Педагогик вазият сабабларини “Нима учун” график органайзер асосида аниқланг.**
- **Педагогик вазият ечим йўлларини “Қандай?” усули асосида ишлаб чиқинг.**
- **Ишлар тақдимотини ўтказинг, гурухлар ишлари мухокамасида қатнашинг.**

Ролли ўйини бўйича йўриқнома

- тингловчиларни жуфтлиларга бўлининг;
- тингловчиларга ўз касбий фаолияти давомида кузатган (ёки ўзи иштирокчиси бўлган) битта муаммоли педагогик вазиятни айтиб беринг;
- ушбу вазиятларнинг педагогнинг тўғри ҳатти-ҳаракатларини ишлаб чиқинг ва шеригингиз билан уларни рол ижро этиш орқали бажаришга тайёрланинг;
- ролларни ижро этинг.

Фан бўйича мустақил таълим мазмуни.

Мавзулар:

1. “Педагогик жамоа - Педагог”, “Педагог – талаба” тизимида ўзаро муносабатларни самарали ўрнатишни мураккаблаштирувчи омиллар.

“Талаба – Педагог – Оила” тизими самарадорлигини ошириш йўллари.

2. Педагогик бошқарувда етакчилик (лидерлик) моделлари.

Вазифа: мавзу бўйича маълумотларни ўрганиб чиқиши, конспект тузиши, қуийидаги саволларга жавоб берииш -

1.“Педагогик жамоа - Педагог”, “Педагог – талаба” тизимида ўзаро муносабатларни самарали ўрнатишни муракаблаштирувчи омиллар.

2. “Талаба – Педагог – Оила” тизими самарадорлигини ошириш йўллари.

3. Педагогик бошқарувда етакчилик (лидерлик) моделларини тавсифлаб беринг.

Фан бўйича кўчма машғулот мазмуни.

Мавзу: Педагогик бошқарув самарадорлигини таъминлаш техникаси.

Олий таълим муассасасида ўқув машғулотини кузатиш ва ўқитувчининг машғулот давомида қўллаган бошқарув услубини, қўллаган педагогик бошқарув самарадорлигини таъминлаш техникаларини аниқлаш (максимал балл 5).

№	Сифат	балл
1	Машғулот мавзусига ўқитувчининг муносабати ва унинг намоён бўлиши (илҳомланиш, экспрессия);	
2	Ўз ўзини, ўз кайфиятини бошқара олиши.	
3	Талабаларни мавзуга қизиқтира олиши	
4	Талабаларда ўзига нисбатан илиқ муносабат, хурмат хисларини уйғота олиши;	
5	Талабалар дикқатини мавзуга жалб қила олиши, дикқатнинг турғунлигини таъминлай олиши;	
6	Ўзини самимий (зўриқишиз) тута олиши;	
7	Ёрқин индивидуал хусусиятларга эгалиги;	
8	Нутқи ва ҳаракатларининг эмоцияларга бойлиги;	
9	Нутқининг таъсирчанлиги;	
10	Нутқининг бойлиги;	
11	Нутқда мантикий урғуларни тўғри қўллаши;	
12	Машғулотда юморни қўллаши;	
13	Мавзуни ёритишга ностандарт ёндашганлиги;	
14	Ҳаракатлар, қўл ҳаракатлар ва мимикасини таъсирчанлиги;	
15	Таъсирчан, ёрқин мисоллар келтира олиши;	
16	Педагогик вазиятларни тезлик билан илғай олиши, тахлил қилиши ва ундан чиқиб кетиши;	

- 17** Талаба харакати, мимикасидан келиб чиқиб, унинг ҳаёли, кайфияти, фикрларини “ўқий олиши”;
- 18** Педагогик экспромтга қодирлиги;
- 19** Аудитория билан қайтувчан алоқани стабил ўrnата олиши;
- 20** Зарурат бўлса, машғулот режасини самарали ўзгартириб юборишга қодирлиги;
- 21** Машғулот давомида талабалар билан ҳамкорликни ўrnата олиши;
- 22** Педагогик тактни ривожланганлик даражаси;
- 23** Рефлексияга қодирлиги.

МАЪРУЗА МАТНИ

**Мавзу: Педагогик бошқарувнинг методологик асослари.
Педагогик бошқарув хусусиятлари.**

РЕЖА:

- 1. Педагогик бошқарувнинг методологик асослари. Педагогик бошқарувнинг мақсади.**
- 2. Педагогик бошқарув методлари.**
- 3. Педагогик бошқарув тараққиётининг асосий босқичлари ва йўналишлари.**

Таянч иборалар: бошқарув, раҳбарлик фаолияти, раҳбарнинг шахсий хислатлари, бошқарилувчи субъект, бошқариши фаолияти самарадорлиги, бошқарув усуллари, бошқарув турлари, бошқарув шакллари, бошқарув воситалари, бошқарув самарадорлиги мезонлари, бошқарув тамойиллари, педагогик бошқарув таркибий қисмлари, бошқарувга тизимли ёндашув; педагогик бошқарув методлари, педагогик бошқарувнинг маъмурий усуллари, иқтисодий усуллари, ижтимоий усуллари, психологик усуллари; педагогик бошқарув функциялари, босқичлари, педагогик бошқарув турари, лидерлик, лидерлик тўғрисидаги назариялар, педагогик вазият, педагогик низо, педагогик ҳамкорлик тизимлари

**Педагогик бошқарувнинг методологик асослари.
Бошқарувнинг мақсади.**

Мавжуд камчилик ва муаммолар хусусида тўхталар экан давлат Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Биз ҳанузгача эскича фикрлаш қолипидан чиқа олмаяпмиз, ўз умрини ўтаб бўлган, эски ва яроқсиз планли-тақсимот тизими қолдиқлари, афсуски, бутунлай барҳам топгани йўқ. Кескин рақобат шароитида солиқ имтиёзлари ва протекционистик чоралар ҳисобидан яшаш мумкин, деган нотўғри қараш миямизга чукур ўрнашиб қолган.

Ўйлайманки, бу масала бўйича тушунтириш ва изоҳ берни ўтиришнинг даври ўтди, эскича бошқариш қолиплари ва усулларидан қутула олмаётган раҳбарлардан қатъий воз кечадиган вақт келди. Бугун ҳаётнинг ўзи корхона ва бирлашмаларни бошқаришда замонавий

фикrlайдиган, пухта тайёргарликка эга бўлган менежерларга таяниши талаб этмоқда^{1”} – дея таъкидлаб ўтди.

Хар қандай фаолият натижаси, энг аввало, унда бошқарув қай даражада ташкилланганлигига боғлиқ. Рақобат кучайган бугунги даврда ҳар қандай соҳада раҳбарлик фаолияти ва усулларини янгилашга эҳтиёж кучаймоқда. Бугун раҳбар қонун доирасида мустақиллик, ижодий ёндашув ва тадбиркорлик каби шахсий хислатларни намоён қилиши, ўз ҳатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни дадиллик билан ўз зиммасига олиши, қонунга бўйсунувчан, интизомли давлат иши йўлида ўзини оқлайдиган таваккалчиликка қобил бўлиши лозим. У эътироф этилган инсон хуқуқ ва эркинликларига риоя қилиши керак. Замонавий раҳбарлик фаолиятининг ягона моделини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш кун талаби бўлиб қолди.

Давлат кадрлар сиёсатининг амалга ошиши учун хизмат қилувчи бош асослардан бири ҳам раҳбарлик фаолияти самарадорлигини ошириш бўлиб, раҳбар кадрлар билан боғлиқ жараёнлар ва уларга доир муносабатлар ҳаётдаги фаолиятнинг ҳаммаси таркибига чуқур кириб боради. Раҳбар фаолияти самарадорлигини ошириш жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий жараёнларидаги туб ўзгаришлар билан узвий боғлиқ

Ўқитувчи фаолиятини бошқарув фаолияти, деб таърифлаш мумкин. Сабаби, педагог таълим оловчилар фаолиятини бошқаради.

Ижтимоий тизимларда бошқарувчи орган ва бошқарилувчи тизим ҳар иккиси ҳам субъектдир (шахслар ёки ташкилотлар).


Бошқарув раҳбарнинг бошқарилувчи субъектлар фаолиятини ташкиллашга қаратилган фаолиятдир. “Педагог - таълим оловчичи” муносабатларини ўз ичига олган педагогик тизимга нисбатан бу таъриф педагогнинг таълим оловчиларнинг таълимий фаолиятини бошқаришни англатади.

Бошқарув мақсади ўқитувчи (ўқувчи) фаолиятидан кутилаётган натижага эришиш экан, ушбу жараён мезонларини аниқ тасаввур қилиш зарур. Бошқарув назарияси бошқариш фаолияти самарадорлиги бошқариш натижасида бошқарилувчи тизимда юзага келган ҳолат самарадорлик даражаси билан аниқланади.

Педагогик тизимга нисбатан айтадиган бўлсак, педагогнинг бошқариш фаолияти самарадорлиги ушбу фаолият натижасида талабада рўй берган ўзгаришлар самарадорлиги билан ўлчанади (режа ва хисботларнинг тўғри тузилганлиги ёки ўкув машғулотларнинг ноанъанавийлиги билан эмас)

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг 2014 йил 17 январда Вазирлар Маҳкамасида “2013 йилда мамлакатни иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишлиланган мажлисида сўзлаган маърузаларидан

Бошқарув назариясининг асосий таркибий қисмлари қуйидаги расмда берилган:



Педагогик бошқарув таълим муассасасида олиб бориладиган таълим, тарбия ва ривожлантиришнинг педагогик тизимни самарали бошқариш тамойиллари, усуслари ва шакллари мажмуасидир.

Педагогик бошқарувнинг таркибий қисмлари деб, мотивни шакллантириш, мақсадни аниқлаш, БКМларни шаклланиш жараёни назоратини олиб бориш, субъектлар ўртасидаги коммуникатив алоқаларни ўрнатишга айтиш мумкин. Бугунги кунда тизимли ёндашув дидактик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган янги таълим тизимни мақсадлашдан бошлаб, то унинг самарадорлигини аниқлаш, апробация ва татбиқ қилишгача бўлган жараённи бошқаришда педагогик технологияларни қўллаш имкониятини берди.

Педагогик бошқарувнинг таркибий қисмлари деб, мотивни шакллантириш, мақсадни аниқлаш, БКМларни шаклланиш жараёни назоратини олиб бориш, субъектлар ўртасидаги коммуникатив алоқаларни ўрнатишга айтиш мумкин. Бугунги кунда тизимли ёндашув дидактик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган янги таълим тизимни мақсадлашдан бошлаб, то унинг самарадорлигини аниқлаш, апробация ва татбиқ қилишгача бўлган жараённи бошқаришда педагогик технологияларни қўллаш имкониятини берди.

Педагогик бошқарувнинг методлари.

- Маъмурий усуллар ҳокимият, интизом, жазолашга асосланади.
- Иқтисодий усуллар иқтисодий қонунларни қўллашга асосланади.
- Ижтимоий усуллар шахсга “жамоа фикри” орқали таъсир этишга асосланади.
- Психологик усуллар инсон психологияси, унинг ички дунёсини билишга асосланади.

Маъмурий усуллар:

- *Ташкиллашга оид таъсирлар*
- *Буйруқ бериши*
- *Интизомий жавобгарлик ва чоралар*
- *Моддий жавобгарлик ва чоралар*
- *Маъмурий жавобгарлик ва чоралар*

Социологик усуллар бошқарувда муҳим рол ўйнайди. Улар шахснинг жомадаги ўрнини аниқлаш, ушбу жамоадаги лидерларни аниқлашда, жамоадаги низоларни самарали ҳал қилишда қўлланилади:

- *Социологик тадқиқот усуллари*
- *Шахсий сифатлар*
- *Ахлоқ*
- *Ҳамкорлик*
- *Беллашув*
- *Молоқот*
- *Муҳокама*
- *Низо*

Психологик усуллар муайян педагог ёки талаба шахсига қаратилган:

➤ *Психологик режалаштириши (жамоада мақбул психологик мұхитни шакллантиришга қаратилған).*

➤ *Психология инсоннинг психологик ҳолатини түгри таҳлил қилиш, унинг психологик портретини түзиши, унинг рухиятидаги мұаммоларни бартараф этиши йўлларини ишлаб чиқиши ва жамоада мақбул психологик мұхитни шакллантиришга ёрдам беради.*

Ўқув машғулоти жараёнида бошқарув самарадорлигини ошириш учун қатор омилларни инобатга олиш зарур:


➤ Машғулот давомида ўқув материалыни талабалар томонидан қабул қилинишининг умумий қонуниятларини.

➤ Машғулот давомида фаолият турларини ўзгартириб туриш мұаммосини.

- Ўқув машғулоти вақтини тўғри тақсимлаш.
- Дидактик материалларни мақсадли ва самарали қўллаш.
- Кўлланиладиган усуларни машғулот тузилмаси, талабалар ёши ва ривожланиш даражасидан келиб чиқиб танлаш.
- Талабалар ўқув фаолияти натижалари назоратини олиб бориш.
- Педагог ва талабаларнинг меҳнат муҳофазаси ҳамда ҳавфиззлик техникаси қоидаларига риоя қилиши.

Педагогик бошқарув тараққиётининг асосий босқичлари ва йўналишлари.

Бошқарувни самарали олиб бориш учун унинг стратегиясини тўғри тузиш керак. Қатор олимлар ўз тадқиқотларида бошқарувни тўрт функциясини ажратиб кўрсатадилар: режалаштириш, ташкиллаш, рағбатлантириш ва назорат. Ушбу функцияларнинг кетма-кет узлуксиз амалга оширилиши бошқариш фаолияти циклини ташкилайди.



Педагогик бошқарув функциялари уни амалга ошириш босқичларида намоён бўлади.

Педагогик мулоқотнинг энг муҳим босқичи — бу моделлаштириш ҳисобланади. Бу босқичдан муҳим, масъулиятли муаммони ҳал қилишда фойдаланилади. Масалан, дарсга тайёрланиш, маъruzani режалаштириш ҳам шу босқичга киради. Биринчидан, дастурга мос равишда дарс лойиҳаси тузилади. Иккинчидан, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинади. Учинчидан, дарс жараёнида қўлланиладиган таълим-тарбия

усуллари танланади. Тўртинчидан, болани ақлий ривожланиш қобилияти ҳисобга олинади.

Иккинчи босқични «коммуникатив ҳужум», деб аташ мумкин. Чунки ўқитувчи тўлиқ ташаббусни ўз қўлига олиб дарс бошлайди. Учинчи босқич эса - бу мулоқотни бошқариш босқичи бўлиб, касбий коммуникациянинг муҳим таркибий кисмидир. Касбий-педагогик мулоқотнинг вазифаси - технологияни ўзлаштириш бўлиб, унда ўқитувчи илиқ муносабатларни қўллай олади, натижада педагог шахси намоён бўлади.

Педагогик бошқарув турлари. Педагогик бошқарувда етакчилик (лидерлик) моделлари, уларнинг таснифи.

Юқорида ўқитувчи педагогик жараёнда турли функцияларни бажариши, улар ичида энг муҳими бошқарув функцияси эканлигини таъкидлаб ўтдик. Педагогик жараён самарадорлиги унинг қандай ташкилланганлиги, қайтувchan алоқаларнинг тўғри ўрналилганлигига тўғридан-тўғри боғлиқ. Ўзаро мулоқотни бошқариш, унга маълум тус бериш ўқитувчи қўлидадир. Бошқарув услублари ҳақида билимга, етарли тажрибага эга бўлган ўқитувчи педагогик жараёнда талабаларга самарали педагогик таъсир ўтказа олади.

Психологияда турли типдаги бошқарувчиларнинг ижтимоий психологик портрети ишлаб чиқилган – бунда уларнинг бошқарувида бўлган жамоа билан мулоқоти техникаси таҳлил қилинади. Ўқитувчи ҳам педагогик жараёнда бошқарувчи функциясини бажаради. Бошқарув услубларининг учта асосий турини ўзаро таъсир қилиш нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Авторитар услуг. Талабалар фаолиятига тегишли барча масалаларни, ҳаттоқи ким қаерда ўтиришигача ўқитувчи якка ўзи ҳал қиласди, талабалар томонидан чиқадиган барча ташаббусни тақиқлайди.

Бу услубни қўлловчи ўқитувчининг мулоқот усуллари буйруқ, кўрсатма, инструкция, танбех. Бундай ўқитувчи талабалар хатога йўл қўйсалар хатони тузатиш йўлини кўрсатиш ўрнига уларни мазаҳлайди, гурухдошлари олдида изза қиласди. Бундай ўқитувчининг гапириши буйруқтомуз бўлади, эътиrozларга йўл қўймайди.

Демократик услуг. Бунда ўқитувчи жамоа фикрига таянган ҳолда иш тутади, фаолият мақсадини барча талабага етказишга ҳаракат қиласди, фаолиятнинг кечишини муҳокама қилишга барчани жалб этади; ўз вазифасини фақат назорат ва мунофиқлаштириш деб билмай, тарбия билан ҳам шуғулланади; барча талабани раҳбатлантиради ва уларда ўз-ўзига ишончни шакллантиради; жамоада ўз-ўзини бошқариш ривожланади. Бу

услубни қўлловчи ўқитувчи барча жамоа аъзоларининг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда улар ўртасида вазифаларни тенг бўлишга ҳаракат қиласди; ташаббус ва фаолликни рағбатлантиради. Бундай ўқитувчи мулоқотда қўллайдиган усуллари илтимос, маслаҳат, ахборот беришдир.

Либерал услуб — бошқача қилиб айтганда, анархик. Ўқитувчи жамоа ҳаётига умуман аралашмасликка ҳаракат қиласди, фаоллиги суст, муаммоларни юзаки кўриб чиқади, бошқаларнинг таъсирига осон тушиб қолади. Маъсулиятдан ўзини олиб қочади ва ўз авторитетини йўқотади.

Бошқаришнинг авторитар услуби қўлланилганда гуруҳдаги иш самарали кечеётгандек туйилади. Лекин бундай услубда бошқариладиган жамоада номувофик психологик муҳит шаклланади. Социологлар таъкидлашича, айнан шундай жамоаларда невротиклар кўп учрас экан. Мулоқотдаги авторитарлик ҳар хил қўринишларда учрайди. У яширин, билвосита бўлиши ҳам мумкин.

Бошқаришнинг энг самарали услуби демократик услубдир. Бунда сон жиҳатидан кўриб чиқиладиган кўсаткичлар авторитар услуг қўлланилган жамоаниқидан пастроқ бўлиши мумкин, лекин талабалар билим олишга ўзлари ошиқадилар, талабалар ижодий ишларни бажаришга ҳаракат қиласдилар, уларда мусъулият хисси шаклланади. Услубларнинг энг самарасизи либерал услубдир. Унда камроқ ишлар амалга оширилади, сифати ҳам паст бўлади.

Авторитар услубни кўпроқ тажрибаси кам ёки маданияти паст даражада бўлган, талабаларни ўзига ҳос хусусиятларини менсимайдиган, тарбияланувчилар ўз-ўзини бошқариши тамойилига риоя этмайдиган ўқитувчилар қўллайдилар.

Авторитар услубни бартараф этишга жамоада юқори аҳлоқий муносабатлар, инсонпарварлик ғряларига асосланган ҳақиқий муамала маданиятини ўрнатилиши, педагогик бошқарув билан бир қаторда ўз-ўзини боқаришни ҳам ривожлантириш орқали эришилади.

Гуруҳлардаги ўзаро муносабатлар юқоридан пастга ёки аксинча бўлиб, гуруҳ аъзоларининг конкрет мавқелари, бошлиқ билан бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Бу борада «Лидер» ва «Бошлиқ» тушунчалари ўртасидаги фарқлар ҳақида гапириш лозим. Б.Д.Паригин бу икки тушунчани фарқлаб шундай ёзади.

1.Лидер асосан гуруҳдаги шахслараро муносабатларни бошқарса, раҳбар-шу гуруҳдаги расмий муносабатларни бошқаради;

2.Лидерлик кичик гурухларгагина мос бўлган ходиса бўлса, раҳбарлик ҳақ-хуқуқлари катта гурухлар доирасида ҳам содир бўлиши, амалга оширилиши мумкин;

3.Агар лидерлик стихияли, бетартиб жараён бўлса, раҳбарлик мАқсадга қаратилган, жамиятда ишлаб чиқилган нормалар, тартиблар асосида сайловлар оқибатида содир бўладиган ходисадир;

4.Лидерлик раҳбарликка нисбатан вақтинчалик ходиса бўлиб, гурух аъзоларининг кутишлари, уларнинг кайфиятлари, фаолият йўналишига қараб, узоқроқ муддатда ёки қисқа муддатда рўй беради;

5.Раҳбарнинг лидердан фарқи шундаки, у лидерда йўқ бўлган жазолаш ва рағбатлантириш тизимиға эга бўлиб шу асосда ўз ходимларига таъсирини ўтказиши мумкин;

6.Лидер гурухда у ёки бу қарорлар, кўрсатмалар, ташаббусларни ўз ихтиёрича, бевосита чиқариши мумкин, раҳбарда эса бу йўналишда кўплаб расмий кўрсатмалар, режалар, нормалар, буйруқлар мавжудки, улар доирадан чиқиб кетиш қийин;

7.Лидернинг фаолияти фақат кичик гурухлар доирасида амалга оширилса, раҳбар шу гурухдаги кенгроқ ижтимоий доирадаги жамиятнинг вакили бўлганлиги учун, унинг ваколатлари ҳам кенг, фаолият имкониятлари ҳам ортиқдир.

Лидер хеч қачон ёлғиз бўлмайди, у доимо гурух аъзолари гурухда қаралади, у шу гурух аъзоларини у ёки бу ҳаракатларга чорлайди. Чунки лидер гурух аъзоларининг психологияси, уларнинг кайфиятлари, интилишлари, қизиқишлиари ва хакозоларни ҳаммадан ҳам яхши билади, улар ичida энг ташаббускоридир. Обрўлилик шахснинг шундай хусусиятидирки, у бошқа шахсларга ҳам хиссий-эмоционал, ҳам иродавий таъсир кўрсата олиш қобилиятига эга. Норасмий обрўлилик, яъни шахслар аро муносабатлар махсули сифатида орттирилган обрў жуда самаралидир. Одамлар кўнглига йўл топиш, уларни турли вазиятларда тушуна олиш, ишонч ва шунга ўхшашиб обрў орттириш мезонларидандир.

Хозирги кунга қадар лидерлик тўғрисида асосан учта назария мавжуд.

Биринчиси «лидерлик сифатлари назарияси» дир ёки харизматик назария мавжуд. Унинг моҳияти шуки, ҳамма ҳам лидер бўла олмайди, айрим шахсларда шундай сифатлар йигиндиси туғма мавжуд бўлиб, улар унинг гурухда лидер бўлишини тамиnlайди. Масалан, 1940 йилда америкалик К. Берд 79 сифатдан иборат бўлган лидерлик қирралари рўйхатини тузди. Бу рўйхатда жумладан, ташаббускорлик, мулоқотга кириша олиш, юмор хисси, ўзига ишонч, тез ва аниқ қарор қабул қила олиш, ташкилотчилик каби сифатлар ҳам бор эди. Лекин бу назарияларнинг

хатолиги шунда эдики, биринчидан, у юқоридаги сифатлар қандай қилиб намоён бўлади-ю, қандай шаклланишини тушунтириб бера олмайди, иккинчидан, сўроқлар мобайнида бирорта сифат ҳам мутлақ кўп марта қайд этилмайди.

Иккинчи назария лидерликнинг вазиятга боғлиқлиги назариясидир. Бу ердаги асосий ғоя-лидер вазиятни маҳсули деган ғоядир. Ҳар бир одамда лидерлик сифатлари бор, лекин айрим вазиятлар айрим шахсларни ўзларини кўрсатишлари, Лидер бўлишлари учун қулай хисобланади.

Юқоридаги икки назарияни танқид қилиш натижасида пайдо бўлган учинчи назария лидерликнинг синтетик назариясидир. Бу назария лидерни гурухий муносабатларнинг бевосита маҳсули деб қарайди, лидернинг рўёбга чиқишида гурухнинг бирламчи ролини илгари суради.

Рус психологи А.Н. Леонтьевнинг фаолият концепциясига таянган ҳолда, лидерликни фаолият маҳсули, гурухнинг ушбу фаолиятга муносабати ва гурухда қабул қилинган нормалар ва ижтимоий кутишларга ким кўпроқ жавоб беришига қараб лидерни аниқлаш мумкин деб қўпчилик томонидан маъқул ёндашишлардан бири деб қабул қилинмоқда.

Ҳар бир лидер ёки бошлиқ ўзича индивидуал ва бетакрордир. Бунинг боиси ҳар бир бошлиқ ўз иш фаолиятини, бошқарув фаолиятини ўзига хос тарзда ташкил этишдадир. Сиёсий психологияда бошқарув соҳасида батафсил ўрганилган муаммолардан бири-турли бошқарув услублари дидир. Бу соҳада немис олимлари Г.Гибш ва М. Форверг, рус олимлари В.Д. Паригин, Л.Н.Уманский, М.Ю. Жуков ва бошқаларнинг ишлари айниқса диққатга сазовардир. Барча илмий тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда ижтимоий психологияда қабул қилинган уч асосий бошқариш услубларига характеристика бериб чиқамиз. Бу уч услуб-авторитар, демократик ва либерал иш услублари дидир.

Авторитар раҳбар барча кўрсатмаларни ишчанлик руҳида, аниқ-равшан, кескин оҳангда ходимларга етказади. Мулоқат жараёнида ҳам ходимларга нисбатан дўйқ-пўписа, кескин тақиқлаш каби қатъий оҳанглардан фойдаланади. Унинг асосий мақсадларидан бири-нима йўл билан бўлса-да, ўз хукмини ўтказиш. Унинг нутқи ҳам аниқ ва равон доимо жиддий тусда бўлади. Бирор иш юзасидан ходимларни мақташ ёки уларга жазо бериш, танқид қилиш соф субъектив бўлиб, бу нарса бошлиқнинг кайфиятига ва ўша шахсларга нисбатан шахсий муносабатига боғлиқ. Жамоа аъзоларининг тилак истаклари, уларнинг фикрлари ва маслаҳатлари жуда кам ҳоллардагина инобатга олинади, аксарият ҳолларда бундай истаклар ёки кўрсатмалар тўғридан-тўғри дўйқ-пўписа, камситиш ёки маънавий жазолаш йўли билан чекланади ёки қониқтирилмайди. Бундай раҳбар ўз иш

услублари, келажак режалари, бирор аниқ ишни, операцияни қандай амалга оширмоқчилигини одатда, жамоадан сир тутади, унинг фикрича, бу унинг обрўига салбий таъсир қўрсатиши мумин. Гуруҳдаги ижтимоий-фазовий муносабатлардаги ўрни жиҳатдан, у «жамоадан четда», автоном.

Авторитар раҳбарда ҳар бир жамоа аъзоларининг қобилияtlари, ишга муносабатлари, мавқеларига кўра тутган ўринлари ҳакида тасаввурлар борки, шунга кўра у ҳар бир ходимнинг иш ҳаракатларини максимал тарзда дастурлаштириб қўйган, унда ҳар қандай чеклашлар унинг очиқ ғазабини келтиради ва бунинг учун унда жазолашнинг турли услублари мавжуд. Яъни бундай жамоаларда ҳокимиёт-марказлаштирилган, жамоа раҳбари Ушбу марказнинг якка ҳокими-шунинг учун ҳам бу ерда «менинг одамларим», «менинг ишим», «менинг фикрим бўйича» қабилидаги иборалар тез-тез ишлатилади. Бундай раҳбарларда ишига нисбатан шундай фидоийлик борки, улар ўзларини ишсиз тасаввур қила олмайди, яъни иш унинг «бутун вужудини қамраб олган». Шу сабаб бўлса керак, бундай раҳбар ҳар бир одамни унинг кундалик иш фаолиятини, унинг натижаларини жуда яхши билади.

Лекин, аслида, уни ишини мазмунидан кўра, унинг ўша ердаги етакчилик роли, бошлиқлиги кўпроқ қизиқтиради ва ўзига ўша сифатларга қараб баҳо беради. Бу сифат, табиийки, ишнинг сифатига ҳам таъсир қилгани учун ҳам жамоа олдига қўйилган барча топшириқлар бажарилмай қолмайди («темир раҳбар»). Бундай жамоларда танқид иши жуда суст, чунки у ўзини ҳам, бошқаларни ҳам танқид қилишларига йўл қўймайди. танқид қилишга, унинг фикрича, фақат бошлиқ ҳақли. Йиғилишларда сўзни ўзи бошлаб, ташаббусни охиригача бошқаларга бермайди, одамларнинг таклифлари, уларнинг ҳиссиётлари эътиборга олинмайди.

Г.Гибш ва М.Форвергларнинг таҳлил қилишларича, авторитар лидер бош бўлган ишларнинг самарадорлиги анча юқори бўлиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам юқори бўлар экан. Лекин жамоадаги руҳий-маънавий муҳит оғир, танг бўлиб, бу нарса одамнинг жамоадан, ишдан қониқмасликларига олиб келди. Бундай раҳбар бошчилик қилган меҳнат жамоаларида ишлайдиган одамлар ўз касблари, иш жойларини осонликча алмаштиришлари мумкин.

Демократик раҳбар, аксинча, бўйсунувчиларга мустақиллик, эрк бериш тарафдори. Ишда топшириқлар берганда ишчиларнинг шахсий қобилияtlарини ҳисобга олган ҳолда тақсимлайди. Бунда у ходимларнинг шахсий мойилликларини ҳам ҳисобга олади. Буйруқ ёки топшириқлар, одатда, таклиф маъносига берилади. Нутқи оддий, доимо осойишта, сокин, унда ўртоқларча, дўстона муносабат сезилиб туради. Бирор кишини мақташ,

унинг лавозимини ошириш ёки ишдаги камчиликка кўра ишига баҳо бериш доимо жамоа аъзоларининг фикри билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Танқид, кўпинча таклиф, истак шаклида қилинган ишларнинг мазмунига баҳо бериш ҳолида «айбдорга» етказилади. Шунинг учун ҳам унинг фазовий-ижтимоий ҳолати «жамоа ичида».

Жамоада танқид ва ўз-ўзини танқид шундай йўлга қўйилганки, унинг оқибатидан ҳеч ким азият чекмайди. Чунки кўпроқ бошлиқ эмас, балки жамоанинг бошқа фаоллари-норасмий лидерлар танқид қиласидилар. Бошлиқ йўл қўйган хато-камчиликларни жамоатчилик олдида бўйнига олишдан қўрқмайди. Чунки ундаги масъулият ҳисси нафақат юқори бошқарув ташкилотлари аъзолари билан мулоқат пайтида, балки ходимлар Билан мулоқат ҳам сезилиб туради ва қўйилган топшириқ юзасидан масъулиятни бошқаларга ҳам бўлиб беришни яхши кўради. Бошлиқнинг ходимларидан сири йўқ, шунинг учун ҳам мажлисларда кўпроқ у эмас, балки барча ходимлар гапирадилар, охирги қарор чиқариш ва сўзларни яқунлаш, умумлаштириш ҳукуқидан у тўлиқ фойдаланади.

Гибш ва Форвергларнинг анализларига кўра, бундай бошлиқ раҳбарлик қилган жамоаларда маънавий-рухий муҳит жуда яхши, ишчилар жамоадан, ишдан қоникиш ҳосил қилганлар, ишдан кетиш ҳоллари кам экан-у, лекин ишлаб чиқариш зўрга нормал ҳолатда бўлар экан.

Либерал (лоқайд) услубда ишлайдиган раҳбарнинг кайфиятини ишга муносабатини ишдан мамнун ёки мамнун эмаслигини билиш қийин. Унда тақиқлаш пўписа бўлмайди унинг ўрнига кўпинча ишнинг охирги оқибати билан танишиш билан чекланади холос. Жамоада ҳамкорлик ёки бошлиқ жамоанинг муаммолари ишнинг баланд-пасти билан қизиқмайдиган, гўёки бошқа “коинотда” юрганга ўхшайди. Аниқ кўсатмалар бермайди, унинг ўрнига норасмий лидерлар ёки ўзига яқин кишилар орқали қилиниши лозим бўлган топшириклар бажарувчиларга етказилади. Унинг асосий вазифаси, унинг назарида, ходимлар учун иш шароитини яратиш, ишдаги камчиликларни бартараф этиш, керакли маҳсулот, ҳом-ашё кабиларни топиб келиш, мажлисларда қатнашиш ва хоказолардан иборат.

Ходимлар билан мулоқотда бўлишга тўғри келганида, у доимо ҳушмумомала бўлиб, одоб, аҳлоқ нормаларини бузмасликка ҳаракат қиласиди, лекин ҳеч қачон улар билан тортишмайди. Мажлисларда агар бирор муаммо мунозарани келтириб чиқарса, у бевосита жараёнга аралашмай охирги сўзни ўзига қолдиради. Шундай қилиб ходимларга фикрлаш ва ҳатти ҳаракатлар эркинлиги бериб қўйилган. Ўша эркин ҳаракатлар юзасидан бошлиқни фикри сўралган тақдирда ҳам, ундан аниқ гап чиқмайди, чунки у ҳодимларни яхши билмайди, қолаверса уларни хафа

қилиб қўйишдан қўрқади. Унинг фазовий-психологик холати “гурух ташқарисида”.

Олимлар фикрича, бундай раҳбар ишни олиб борган жамоаларда барча кўрсаткичлар доимо орқада, қўним ҳам йўқ. Либерал раҳбар ишда анархияни қилиб қўйиб, кўп турмай, бошқа ердан иш қидиришга ҳаракат қиласди.

Юқорида баҳо берилган бошқариш услублари кўпроқ лидерликка эмас, балки раҳбарликка таалуқли лекин, илмий адабиётларда бу иккала ибора, қўпинча синоним ишлатилади. Аслида, энг яхши раҳбар ўзида барча лидерлик сифатларини ҳам мужассамлаштирган бўлади. Чунки соф ижтимоий психологик маънодаги лидернинг турли шароитларда ўзида кўпроқ намоён этадигон шахсий сифатларга кўра табақаланади. Масалан лидер ташкилотчи, лидер-ташаббускор, лидер-эрudit, жамоа ҳиссий-эмоционал ҳолатни бошқарувчи лидер, лидер-билағон ва ҳокозо. Яхши раҳбар ана шу лидер сифатларини билган ҳолда, уларни ўзида тарбиялаши ва жамоасидаги лидерлар билан ҳамкорликда ишлай олиши керак.

Охирги йилларда Москва ва бошқа йирик марказларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келинадики, аслида ҳаётда соф демократ ёки соф авторитар раҳбарни учратиш қийин, лекин учраган пайтда ҳам улар бир жамоани узоқ муддат бошқара олмаслиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам улар вазиятга боғлиқ, вазият, конкрет жамоа, унда қабул қилинган хатти-ҳаракат нормалари, шахслараро муносабатлар типии лидернинг ҳам, раҳбарнинг ҳам иш тактикаси ва услубини белгилайди, деган ғоя қабул қилинмоқда. Лекин бу раҳбарлик услубларининг психологик мазмун ва моҳиятини билишнинг амалий аҳамияти шундаки, ҳар бир услубда ўзига хос ижобий томон бор, моҳир раҳбар ўзини-ўзи тарбиялар экан, ўшаларнинг энг мақули, айниқса ўзи раҳбарлик қилаётган жамоага мосларини тарбиялаши мақсаддага мувофиқдир.

Педагогик вазият ва педагогик низо (конфликт).

Бошқарув фаолиятининг муҳим таркибий қисми мулоқот бўлиб, кўп жиҳатдан бошқарув самарадорлигини айнан шу компонент белгилаб беради. Шунга асосланиб, бошқарув фаолияти бошқарувчининг тартибга солишига қаратилган мулоқот функцияси, ташкиллашга қаратилаган мулоқот функцияси, сифатида ҳам таърифланади. Бошқарув мулоқоти мулоқотнинг маҳсус тури бўлиб, у орқали бошқарув масалалари ҳал этилади.

Бошқарувчида бошқарув мулоқоти кўникмаларининг ривожланмаганлиги, мулоқот маданияти йўқлиги ҳам унинг ўзининг ҳамда кўл остидагилари фаолиятининг самарадорлиги паст бўлишини келтириб

чиқарувчи омиллардан биридир. Шунинг учун ҳар бир бошқарувчи бундай кўникумаларга эга бўлиши шарт.

Мулоқотнинг ҳар қандай турининг асосий вазифаси ахборот етказиш бўлса, бошқарув мулоқотида етказилаётган ахборотни шунчаки маълум қилиш эмас, балки бошқарилувчини бошлиқнинг фикрига қўшилишини, уни бошлиққа ҳамфикр қилишдир.

Мулоқот тушунчаси қатор фанлар категорияси бўлиб хисобланади. Булар фалсафа, социология, психология, педагогика ва бошқалардир. Ҳар бир фан бу тушунчани ўзининг тадқиқот предмети ҳусуяйтлари ҳамда вазифаларидан келиб чиқиб ўрганиб чиқалди.

Педагогик мулоқотнинг ҳусусиятлари педагогик фаолият вазифаси, яъни шахсни ривожлантириш мақсадидан келиб чиқади. Педагогик мулоқот жараёнида ақлий фаолият усуслариiga ўргатиш, ақлий жараёнларнинг шакллантириш, таълим олиш жараёнини бошқариш, иш усувлари билан қуроллантириш, щыувчиларни дарсга қизиқтириш, таълим олувчи ва ўқитувчи (талабалар жамоаси) билан ўзаро муносабатларни маълум қоидалар доирасида бўлишини таъминлаш каби вазифалар амалга оширилади.

Ўқитувчи ва талабалар, талабалараро ўзаро таъсир кўрсатиш **педагогик вазиятларни** ечиш жараёнида амалга ошади. Н. В. Кузьмина педагогик вазиятни “ўқувчиларга таъсир кўрсатиш йўлини танлашда эътиборга олиш зарур бўлган ўқув гурухи ва ўқувчилар муносабатлари ва ўзаро муносабатларининг мураккаб тизимидағи реал ҳолат”, деб таътифлайди.

Педагогик вазиятларда талабалар фаолиятини бошқариш масаласини ечишга тўғри келади. Бунда ўқитувчи талаба ҳулқининг сабабларини вазиятга талаба нуқтаи назаридан ёндашиб, аниқлаши керак.

Педагогик фаолият давомида баъзан педагогик низолар рўй бериди туради.

Низо бу субъектлар орасида вужудга келган зиддият, қарама-қаршиликдир. Педагогик низо ҳам субъектлар ўртасидаги зиддият бўлиб, унинг иштирокчилари тарбиячи ва тарбияланувчилардир.

Низо шахсларнинг қуйидаги ўзаро ҳаракатларида намоён бўлади:

- уришиш, жанжаллашиш,
- куч ишлатиб, бир-бири билан тўқнашиши, бировларни уриб-туртиш
- сўз айтишиш, сўкиниш
- бировларни айблаш,
- ғазабланиш,
- жаҳл билан гаплашиш, дўқ қилиш

- кесатиш, қўрқитиш орқали таҳдид қилиш,
- пичинг билан гапириш,
- тўғри сўзлар мазмунини бузиб талқин қилиш,
- бировларнинг орқасидан гапириш, қасд қилиш,
- зўрлаш, шантаж,
- ўзгалар ишига онгли ҳалақит бериш
- камситиш,
- одамлар устидан кулиш,
- гурух-гурух бўлиб, бировларни яккараб қўйиш,
- дилсиёҳлик, ҳафагарчилик, нафрат ва қасос, бировларни менсимаслик, кибр, ўзини бошқалардан устун қўйиш,
- кек сақлаш,
- нафсониятга тегадиган амаллар ва сўзлар ишлатиш,
- бироvnинг ҳар бири сўзи ва амалидан ёмонлик қидириш

Ўқитувчи талаба ҳатти-ҳаракатига тўғри жавоб ҳаракатини амалга ошириб, вазиятни назорат остига олади ва тартиб ўрнатади. Низонинг олдини олиш - ўқитувчининг донолиги белгисидир. Ўқитувчи талabalарнинг ҳаёти, ўқишдан ташқари машғулотлари, ишлари билан қизиқса, бу ўқитувчи-талаба муносабатлари мазмунини янада бойитади.

Педагогик низолар хусусиятлари:

- низонинг педагогик тўғри ҳал қилиниши учун ўқитувчи масъул эканлиги (лекин бунда олий ўқув юрти ўқитувчиси балоғатга етган, ўз ҳаракатлари учун масъул ёшдаги инсонлар билан ишлашини ёдан чиқармаслик керак);
- низо иштирокчиларининг ижтимоий даражалари ўртасида фарқнинг борлиги. Бу низода томонларнинг ҳатти-ҳаракатлари ўртасида фарқ бўлишини таъминлайди;
- педагогик низо иштирокчиларининг ҳаёт тажрибаси ўртасида фарқ борлиги. Бу педагогик низо субъектларини ҳар хил позицияга ажратади ва низони ҳал этишда уларнинг масъулият даражасини ҳам фарқлайди;
- иштирокчилар низоли вазиятни ҳар хил “кўрадилар”, шунинг учун ўқитувчи низо ҳақида талабанинг тасаввури, унинг ички кечинмаларини тушуниши зарур;
- педагогик низо одатда бошқа талabalар гувоҳлигига бўлиб ўтади ва улар учун ҳам тарбиявий аҳамиятга эга; (вазифа - талқин);

•— ўқитувчининг касбий позицияси уни низони ечишда ташабусни ўз кўлига олишга ва биринчи ўринга шаклланаётган шахснинг манфаатларини қўйишга мажбурлайди;

- — ҳар бир хато яна бошқа низоларни келтириб чиқаради;
- низони ечгандан кўра уни олдини олиш афзалроқдир.

Конфликтнинг икки томони

Конфликтнинг икки томони мавжуд. Конфликт келиб чиққанидаёқ, мана шу унинг мавжуд икки томони ҳам вужудга келади.

Бир томон - зиддиятни кучайтирувчи, иккинчи томон – зиддиятни пасайтирувчи томондир.

Бир томон – зиддиятни бузғунчиликка олиб келиши, иккинчи томон – зиддиятни муросага, яратувчанликка ва осойишталикка олиб келишидир.

Конфликтда, унинг қанчалик мураккаб бўлишига қарамай, ҳамиша икки томон – бузғунчи ва бунёдкор томон мавжуд бўлади.

- яширин имкониятлар ва муаммонинг янги қирраларининг очилишига сабаб бўлади;
- муаммо ечимининг янги йўл-йўриқлари, имкониятлари ва усуулларини кашф этади;
- ишонч, самимийлик, ҳамкорлик ва ҳақиқатни тан олишга қаратилган янги муносабатлар қурилишига сабаб бўлади;
- одамларни умумий ғоялар асосида бирлаштиради;
- самимий ва очиқ, илиқ мулоқот учун имкон яратади ва шундай муносабатларга инсонларни ўргатади;

ўз фикр ва ўйларингизга аниқлик киритишга ва ўз позициясини қайта кўриб чиқишига мажбур қиласди.

Конфликтнинг бузғунчи имкониятлари:

Конфликт ечимини топиш – конфликт вазиятни йўқотиш ҳамда у юзага келтирган муносабаларни тўғри йўлга солиш билимлари ва кўнижмалари мажмуидан иборатдир.

Конфликт куйидаги ҳолларда вайрон этиш имкониятига эга бўлади:

- конфликт ечими топилмаса ва уни бошқариш имконияти бой берилса;
- ғазаб, жаҳл, дилсиёҳлик, ҳафагарчилик, нафрат ва қасос хисларининг келиб чиқишига сабаб бўлганда;
- жуда қаттиқ стрессга олиб келганда;
- одамлар ўртасида узоқ муддатли низо ва ихтилоф вужудга келтирганда;
- пашшадан фил ясад, кичкина муаммони катта можарога айлантирганда;
- зўравонлик ва урушга сабаб бўлганда.

Педагогик бошқарув самарадорлигини таъминлаш техникаси.

Хар қандай ишни сифатсиз, қоникарли, яхши ёки аъло даражада бажариш мумкин. Инсон бир ишни хохишсиз қилса, бу иш ҳар доим ҳам сифатсиз бўлавермайди, лекин аъло даражада ҳам бўлмайди. Чунки ишни аъло даражада бажариш дегани бу қўйилган масалани ечишда янги, йўлларини излаб топиш, ўз ижодий салоҳиятини ишга солиш, ташаббус кўрсатиш демакдир. Агар бажарилиши керак бўлган ишга ва уни бажариш йўлларига нисбатан бажарувчининг фикри бошлиқниги зид бўлса, у бу ишни қўйилган талаб доирасида, шунчаки жазоланмаслик учунг бажаради ёки таваккал қилиб, ўзи тўғри деб ўйлаган йўлни тутади.

Бошқарувда одамларга таъсир кўрсатиш фаолиятнинг бош мақсадини ташкил этар экан, инсонларга қандай қилиб таъсир кўрсатиш мумкин, деган саволга жавоб бериш керак.

Хар бир инсоннинг характеристи ўзига хослиги сабабли, қизиқишилари, дунёқарашлари, қўйилган масалага нисбатан муносабатлари ҳам ҳар хил бўлади. Бу бошқарувни мураккаблаштиради. Ҳар қандай инсонни маълум фаолиятни бажаришга мажбурлаш учун, аввало, у манфаатдор бўлган сабабни аниқлаш лозим, шунда у кўзланган мақсад сари ҳаракат қиласди.

Суҳбат жараёнида суҳбатдошингиз сиз келтираётган далилларнинг самимий эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Бошлиқ бирор иш буюрганида уни нима сабабдан, нима мақсадда қилиш кераклигини тушунтириш лозим.

Фақатгина “ҳа” деб жавоб бериш мумкин бўлган саволлар беринг. Сизга “ҳа” деб жавоб беришларини хоҳласангиз, аввал одамларни ижобий фикрлаш бурчагига йўналтиринг. Улар 2-3 та ижобий жавоб берадиган саволлар беришингиз мумкин.

Саволларни тўғри тузинг. Ижобий жавоб олиш кутилаётган саволларни тегишли тарзда бериш кераклигини ёдда сақлаш керак. Бошқача қилиб айтганда, бу турдаги саволларни беришда розилик белгиси сифатида бошни қимиirlатиш ва саволни “Сиз” сўзи билан бошлаш лозим.

Иккита ижобий муқобил йўлдан бирини танлаш имкониятини беринг. Бу техниканинг моҳияти шундаки, инсон иккита “мумкин” бўлган нарсадан биттасини танлайди. Масалан, бир ҳодимингиз/талабангиз билан иш юзасидан гаплашиб олишингиз зарур. Унга қуйидагича саволлар беринг: “Бугун тушдан кейин гаплашиб оламизми? Балки эртага куннинг биринчи ёки иккинчи ярмида учрашиб гаплашиб олсак қулайроқдир?” (Учрашувнинг ўзи инкор қилинмаяти, сиз суҳбатдошингизга фақат вақтни белгилашни таклиф қиласиз, яъни бир нечта “мумкин” вариантдан бирини танлашни).

Сұхбатни бошлаганингзда ижобий жавобни күтинг ва буни сұхбатдошингизга мимика, оқанғ орқали англалинг.

Мақташ. Мақтовга лойиқ иш қилинганидан сүңг ишни ҳамда уни бажарған инсонни мақтаб қўйинг.

Танқид қилиш. Танқиднинг муваффакияти уни қай тарзда амалга оширишга боғлиқ. Танқид давомида кимнидир айблашдан нарига ўтмаслик самара бермайди. Танқид ҳеч кимга ёқмайди. Бу ҳамма биладиган факт.

Тўғри танқид техникаси:

1. Танқидий фикрларингизни хатога йўл қўйган одамни ўзига (бошқалар гувоҳлигисиз) айтганингиз маъқул.
2. Мақташ зарурияти. Танқид қилишдан олдин бироз мақтанг. Олқишлиарни аяманг.
3. Ҳақоратга йўл қўйманг. Танқид қила туриб танқидий фикрларни инсон шахсига қаратманг, балки унинг маълум ҳаракатларини ноиўғрилигини асослаб кўрсатинг.
4. Танқидингизда шунчаки хатони таъкидламасдан, хатони қандай тўғрилаш йўлларини таклиф қилинг.
5. Ҳамкорлик қилиш зарурияти. Танқиднинг мақсади - ҳамкорликка чақириш. Ҳамкорликка таклиф этиш - буйруқ беришдан осон. Бу факт. Буюриш - мавжуд йўлларнинг энг ёмонидир.
6. Битта хато учун бир маротаба танқид қилиш қоидаси. Танқид жараёнида олдин йўл қўйилган хатоларни эламасдан, бутун эътиборни айни пайтда кўриб чиқилаётган хатога қаратиш.
7. Қарашларни уйғунлашувига эъришиш (оппонентни ҳамфир қилиб олиш). Сұхбатни дўстона руҳда тугатинг. Ўз танқидингизни қуидагича якунлашингиз мумкин: “Биз дўст бўлиб қоламиз, мураккаб масалаларни ҳал қила олдик. Бундан буён ҳам бир-биrimизга ёрдам бериб борамиз”.

Миннатдорчилик билдириш. Кимнингдир ишидан қониқсангиз унга миннатдорчлик билдиришни ҳам уddyalай олиш керак.

1. Бунда самимий бўлинг.
2. Ўз туйғуларингизни аниқ ва ошкора изҳор қилинг. Миннатдорчилик билдираётганда чайналиш, сўзларни паст овозда гапириш ярамайди. “Раҳмат” деганда қувнок, ёрқин туйғуларни ифода қилинг.
3. Сұхбатдошингизга эътиборли бўлинг. Ўз эътиборингизни сұхбатдошингизга қаратиб миннатдорчилик билдирсангиз, бу ҳақконий ва

чин кўнгилдан айтилган бўлади. Миннатдорчиликка лойиқ инсон эътиборга ҳам лойиқ бўлади.

4. Миннатдорчилик билдираётганда сухбатдошингизнинг исмини айтинг.

5. Миннатдорчилик сўзларини энергия ва эмоциялар билан айтинг.

Нутқ сўзлаш.

1. Нутқингиз мазмунини аниқлаштириб олинг. Нотиқ обрўни сақлаб, ўзига ишончни намойиш қилиб нутқ сўзлаши лозим.

2. Белгиланган маълумотларни гапириб бўлгандан сўнг нутқни тўхтатинг. Нутқнинг қисқалиги учун сизни танқид қиласиган тингловчи йўқлигини ҳисобга олинг. Агар одамларнинг янада кенгроқ нутққа эқтиёжлари бўлса ўзлари сўрашади.

3. Нутқ вақтида нигоҳингизни тингловчиларга қаратинг. Нотиқ эътиборга лойиқ, лекин тингловчилар ҳам эътиборга лойиқдирлар. Шунинг учун ўз нутқига кўмилиб кетган нотиқ мақсадига эриша олмайди.

4. Тингловчиларда қизиқиши уйғотадиган саволларни муқокама қилинг.

5. Табиий гапиришга ҳаракат қилинг, одатий кўринишингизни сақланг.

“Педагогик жамоа - Педагог”, “Педагог – талаба”, “Талаба – Педагог – Оила” каби тизимларнинг муносабати.

Педагогик ҳамкорлик тизимлари:

- 1) ўқитувчи-ўқувчи (якка тартибда),
- 2) ўқитувчи-ўқувчилар (жамоавий),
- 3) ўқитувчи – ҳамкасблар.

Педагогик ҳамкорлик педагогик мулоқотнинг асоси бўлиб, диалог шаклида амалга оширилади. Педагогик мулоқотда яқиндан ҳамкорлик қилиш муҳимдир. Педагогик диалог ўқитувчи ва ўқувчининг бир-бирини тушуниш, ҳамкорликда ҳаракат қилишга тайёр бўлиши билан сифатланувчи бирлашувини англаатади.

Ҳамкорликни кучайтирувчи қоидалари қўйидагича:

- педагог ва ўқувчилар ўртасида бирлаштирувчи “биз” хиссини шакллантириш, жамоа ҳамфирлигини намойиш қилиш – бу ижтимоий тўсиқлар, қарама-қаршиликларни бартараф қилиб, барчани умумий мақсадга эришиш сари бирлаштиради;

- ҳар бир ўқувчи билан шахсий алоқаларни ўрнатиш орқали уларда ўқитувчи эътибори айнан унга қаратилганлигини хис этишига эришиш.

Бунга нутқ ва новербал йўллар билан эришилади. Масалан, табассум, оҳанг, қўл ҳаракатлари, ҳамкорликдаги фаолиятнинг ёрқин, жозибали мақсадларини, келажакда ҳам бирдам бўлишни намойиш қилиш ҳамкорликнинг мустаҳкамлигидан далолат беради.

Юқорида санаб ўтилган қоидаларнинг эришилишини мулоқтнинг тўғри услубини (авторитар, демократик, либерал) танлаш таъминлайди.

Жамиятнинг гобалашуви ва ахборотлашуви даврида таълим тизими, ва, хусусан, оила ва таълим муассасаси ҳамкорлиги янгича мазмун касб этмоқда. Бу таълим-тарбия жараёнида ота-оналарнинг ролига ўзгача ёндашувни келтириб чиқармоқда. Таълим-тарбия жараёнида оила шунчаки буюртмачи ва истеъмолчи эмас, балки таълим муассасининг асосий партнёри (шериги)га айланиши лозим. Замонавий педагог оиласида таълим олувчининг оиласида унинг таълими, ривожланиши, шаклланишига таъсир этувчи барча мавжуд омилларни билиши ва хисобга олиши керак.

Таълим муассасаси ва оила ҳамкорлиги оилани таълим жараёнига ота-оналарни ингрециялашувини мақсад қилиб қўяди. Ушбу мақсадга қуйидаги масалаларни ҳал этиш орқали эришилади:

- ўзаро ахборот билан алмашибни тизимли йўлга қўйиш;
- оилавий ва таълим муассасасида амалга ошириладиган тарбия коррекциясини амалга ошириш;
- таълим муассасаси ва оиланинг амалий ҳамкорлиги.

Оила ва таълим муассасасининг ўзаро ҳамкорлиги педагогнинг ота-оналар билан ишлай олишига боғлиқ.

Куйида ота-оналар билан ишлашнинг айрим шакллари таърифланган:

Ота-оналар мажлисини ўтказишини турли вариантлари мавжуд. Уларнинг мавзуу ва усуллари таълим олувчиларнинг ёш хусусиятлари, ота-оналарнинг маълумот даражаси ва қизиқишлиари, таълим муассасаси олдида турган мақсад ва вазифаларга боғлиқ.

- Маъруза тарбия муаммолари моҳиятини очиб берувчи психологик-педагогик маърифий тадбирдир.

- Анжуман тарбия ҳақидаги билимларни кенгайтириш, чукурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган шаклдир.

- Очик дарс. Бундай дарсларга ота-оналар таклиф қилинади. Бу ота-оналарнинг таълим жараёни хусусиятларини билмаслигидан келиб чиқадиган низоларни олдини олади.

- Индивидуал мавзуй маслаҳатлар.

- Ота-оналар кенгаши.

Ота-оналар билан ҳамкорлик олиб боришда компьютер технологиялардан фойдаланиш кенгаймоқда. Бу ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасида ахборот алмашувини тезлаштиришга имкон яратмоқда. Таълим муассасаси сайти ота-оналарга таълим муассасаси ҳақида янада кенгрөк маълумотлар олиш мумкинлигини таъминлайди.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Бошқарув қандай фаолият? Унинг мақсади нима?
2. Педагог ҳам бошқарув фалиятини амалга оширадими?
3. Педагогик бошқарув бошқарувнинг бошқа турларидан нимаси билан фарқланади?
4. Раҳбар қандай шахсий хислатларга эга бўлмоғи лозим?
5. Педагогик бошқарувда бошқарилувчи ҳам субъект эканлиги ушбу жараённи қандай тавсифлайди?
6. Бошқариш фаолияти самарадорлиги деганда нима тушунилади?
7. Бошқарувнинг қандай усуллари мавжуд?
8. Педагогик бошқарувнинг қандай турлари мавжуд?
9. Педагогик бошқарувнинг қандай шакллари мавжуд?
10. Педагогик бошқарувда қандай воситалардан фойдаланилади?
11. Бошқарувнинг қандай тамойиллари ишлаб чиқилган?
12. Педагогик бошқарув қандай таркибий қисмлардан иборат?
13. Педагогик бошқарувга тизимли ёндашув деганда, нима тушунилади?
14. Педагогик бошқарувнинг қандай методлари мавжуд?
15. Педагогик бошқарув қандай функцияларни амалга оширади?
16. Педагогик бошқарувнинг қайси турлари мавжуд? Уларнинг қай бири энг юқори самара беради?
17. Лидерлик нима? Лидерлик тўғрисида қандай назариялар мавжуд?
18. Педагогик низо нима?
19. Педагогик ҳамкорлик тизимини нималар ташкил қиласди?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1997. -384 б.
2. Каримов И.А. 2014 йил 17 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган мажлисидаги нутқ.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъод” Жамғармаси, Республика таълим муассасалари раҳбар кадрларининг «Таълим муассасалари бошқаруви» курси материаллари – 2013.
4. Алимов Х.М. Бошқарув мулоқотининг психологик асослари – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъод” Жамғармаси, Республика таълим муассасалари раҳбар кадрларининг «Таълим муассасалари бошқаруви» курси материаллари.
5. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат»- Т: Чўлпон, 2005. 213 б.
6. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. – 2002. №7. С. 12-16.
7. Ҳайитов О.Э, Лутфуллаева Н.Х. Психодиагностика ва амалий психология. Маъruzалар матни тўплами. – Т.: 2005
8. Чернышев А.С. Практикум по решению конфликтных педагогических ситуаций. – М., 1998. 221 с.
9. Шугуров М.В. Социальный конфликт и самоосуществление личности. – Саратов, 1994. 236 с.
- 10.Югай А.Х. Лабораторно-практические занятия по психологии - Т.: ТДПУ, 2008. 92 с.
- 11.Л.В. Шалагинова «Психология лидерства». С-Пб., 2007.
- 12.Уралова М. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат (услубий кўрсатма) – Фарғона, ФДУ, 2008.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ҳар қандай меҳнат жараёни натижасига таъсир этувчи энг муҳим омил.

- a) мақсад
- b) бошқарув
- c) усул
- d) маблағ

2. Ижтимоий тизимдаги бошқарув фаолиятининг ўзига хослиги

- a) узок давом этиши
- b) режалаштириш мумкин эмаслиги
- c) бошқарувчи ҳам бошқарилувчи ҳам субъектдир
- d) прогноз қилиб бўлмаслиги

3. Ижтимоий тизимда бошқарув бу.

- a) раҳбарнинг бошқарилувчи субъектлар фаолиятини ташкиллашга қаратилган фаолиятдир
- b) буйруқ бериш, вазифа бажартиришга асосланган фаолиятдир
- c) ўзаро мулоқотга асосланган фаолиятдир
- d) раҳбар ва бошқарилувчи ҳамкорликда амалга оширадиган фаолият

4. Педагогик бошқарув натижавийлиги нима билан ўлчанади?

- a) ўқитувчининг фаолиятга ажратган вақти ҳажми билан
- b) талабанинг тўплаган рейтинг балли билан
- c) ўқитувчининг фаолият давомида сарфлаган энергияси ҳажми билан
- d) талабада рўй берган ўзгаришлар самарадорлиги билан

5. Педагогик бошқарувнинг таркибий қисмлари - ..., мақсадни аниқлаш, БҚМларни шаклланиш жараёни назоратини олиб бориш, субъектлар ўртасидаги коммуникатив алоқаларни ўрнатиш

- a) мотивни шакллантириш
- b) дарсга тайёргарлик кўриш
- c) таълим воситаларини яратиш
- d) талабада кўникмаларни шакллантириш

6. Педагогик бошқарувнинг маъмурий методлари нималарга асосланади?

- a) инсон психологияси, унинг ички дунёсини билишга
- b) интизом, жазолашга
- c) иқтисодий қонунларни қўллашга
- d) “жамоа фикри” орқали таъсир этишга

7. Педагогик бошқарувнинг қайси методлари “жамоа фикри” орқали таъсир этишга асосланади?

- a) Психологик усуллар
- b) Иқтисодий усуллар
- c) Маъмурий усуллар
- d) ижтимоий усуллар

8. Ўқув машғулоти жараёнида бошқарув самарадорлигини ошириш учун нимани тўғри тақсимлаш керак?

- a) ўқитувчи диққатини
- b) ўқув машғулоти вақтини
- c) талабалар қучини
- d) таълим воситаларини

9. Бошқарув фаолияти босқичлари тизимини нима деб аталади?

- a) стратегияси
- b) тизими
- c) мажмуаси
- d) таркибий қисмлари

10. Машғулот давомида фаолият турларини ўзгартириб туриш нимани таъминлайди?

- a) талабаларда ўқишига бўлган мотивацияни ўстиришга
- b) талабалар диққати турғун бўлишини
- c) билимларни мустаҳкам бўлишини
- d) жамоада мақбул психологик муҳит бўлишини

11. Талабалар ўқув фаолияти натижалари назоратини олиб бориш нима учун зарур?

- a) талабаларни баҳолаш учун
- b) талабалар эришган ютуқларни хисобга олиб бориш учун
- c) талабаларни таълим олишга даъват этиш учун
- d) бу фаолиятни келажакда тўғри режалаштиришни таъминлайди

12. Буйруқ, кўрсатма, инструкция, танбеҳга асосланган бошқарув услуби қандай услуб, деб номланади?

- a) авторитар
- b) либерал
- c) демократик
- d) бу барча усулларга хос

13. Қайси бошқарув услубида ўқитувчи жамоа фикрига таянган ҳолда иш тутади?

- a) авторитар
- b) либерал
- c) демократик
- d) бу барча усулларга хос

14. Қайси бошқарув услубида ўқитувчи жамоа ҳаётига умуман аралашмасликка ҳаракат қиласи?

- a) авторитар
- b) либерал
- c) демократик
- d) бу барча усулларга хос

15. Бошқаришининг энг самарали услуби

- a) авторитар
- b) либерал
- c) демократик
- d) барча усуллар бир хил самара кўрсатади

16. “Лидер” тушунчасининг “раҳбар” тушунчасидан фарқи тўғри кўрсатилган қаторни белгиланг.

- a) лидерниң жамоага таъсири кучлироқ бўлади
- b) раҳбар - расмий, лидер - норасмий
- c) раҳбар бу менежмент фанини маҳсус ўрганган шахс
- d) раҳбар ҳеч қачон лидер бўла олмайди

17. Лидерга ҳос жиҳатлардан бири.

- a) чукур билимга эгалиги
- b) илмий унвонга эгалиги
- c) ташаббускорлик
- d) юқори лавозмни эгаллаши

18. Шахснинг бошқа шахсларга ҳам хиссий-эмоционал, ҳам иродавий таъсир кўрсата олиш қобилияти

- a) эмпатия
- b) уддабуронлик
- c) обрўилик
- d) ҳамкорлик

19. Бошқарувни тўрт функцияси: режалаштириш, ташкиллаш, ... ва назорат.

- a) олиб бориш
- b) рағбатлантириш
- c) ўқитиши
- d) баҳолаш

20. Педагогик муроҷотнинг энг муҳим босқичи

- a) «коммуникатив ҳужум»
- b) моделлаштириш
- c) муроҷотни бошқариш
- d) рефлексия

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Педагогик бошқарув нима?
2. Педагогик бошқарув нима учун мұхим?
3. Педагогик бошқарув мақсади нима?
4. Педагогик бошқарувнинг ўзига хослиги нимада?
5. Бошқарув турларини таърифланг.
6. Қайси бошқарув тури энг самарали хисобланади?
7. Педагогик вазият нима?
8. Педагогик низо нима?
9. Педагогик низони самарали ечишни нималар таъминдайды?
10. Ўқитувчи лидерлик қобилиятига эга бўлиши шартми?
11. Лидерлик нима?
- 12.“Педагогик жамоа - Педагог”, “Педагог – Ўқитувчи”, “Талаба – Педагог – Оила” каби тизимларга қандай муносабатлар хос?
13. Самарали педагогик бошқарув омиллари.
14. Самарали бошқарув техникаси ўз ичига нималарни олади?
15. Бошқарув қандай фаолият? Унинг мақсади нима?
16. Педагог ҳам бошқарув фалиятини амалга оширадими?
17. Педагогик бошқарув бошқарувнинг бошқа турларидан нимаси билан фарқланади?
18. Раҳбар қандай шахсий хислатларга эга бўлмоғи лозим?
19. Педагогик бошқарувда бошқарувчи ҳам субъект эканлиги ушбу жараённи қандай тавсифлайди?
20. Бошқариш фаолияти самарадорлиги деганда нима тушуnilади?
21. Бошқарувнинг қандай усуллари мавжуд?
22. Педагогик бошқарувнинг қандай турлари мавжуд?
23. Педагогик бошқарувнинг қандай шакллари мавжуд?
24. Педагогик бошқарувда қандай воситалардан фойдаланилади?
25. Бошқарувнинг қандай тамойиллари ишлаб чиқилган?
26. Педагогик бошқарув қандай таркибий қисмлардан иборат?
27. Педагогик бошқарувга тизимли ёндашув деганда, нима тушуnilади?
28. Педагогик бошқарувнинг қандай методлари мавжуд?
29. Педагогик бошқарув қандай функцияларни амалга оширади?
30. Педагогик бошқарувнинг қайси турлари мавжуд? Уларнинг қай бири энг юқори самара беради?
31. Лидерлик нима? Лидерлик тўғрисида қандай назариялар мавжуд?

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ТОПШИРИҚЛАРИ

Мавзу: “Педагогик жамоа - Педагог”, “Педагог – талаба”, “Талаба – Педагог – Оила” каби тизимларнинг муносабати.

Вазифа мавзу бўйича маълумотларни ўрганиб чиқиши, конспект тузилиши, қуийидаги саволларга жавоб берииш:

1. “Педагогик жамоа - Педагог”, “Педагог – талаба” тизимида ўзаро муносабатларни самарали ўрнатишни муракаблаштирувчи омиллар.
2. “Талаба – Педагог – Оила” тизими самарадорлигини ошириш йўллари.

ГЛОССАРИЙ

Агрессивлик - инсоннинг бошқа инсонларга ёмонлик, зиён етказишга интилишда намоён бўладиган хулқи.
Аттракция - бу одамларда ўзингизга нисбатан харихоҳлик, яқинлик ва биродарлик туйғуларини уйғотиш
Бошқарув - бошқарувчи органларининг бошқарилувчи субъектларнинг фаолиятини ташкиллашга қаратилган фаолият.
Бошқарув мақсади - ўқитувчи (ўқувчи) фаолиятидан кутилаётган натижага эришиш
Бошқарув мулокоти – одамларга раҳбарлик қилиш, уларни бошқариш мақсадида улар билан мулокотга киришишдир
Бошқарув санъати – бу раҳбарнинг қобиялияти, устамонлиги, ижодиётиди.
Бошқаришда вазиятли ёндашув – бошқарилувчи обьектнинг конкрет шароитдаги ички ва ташқи вазиятга қараб бошқаришнинг маъкул услуби
Бошқарув услуби – бошқарув жараёнида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилиш усуллари, йўллари мажмуаси.
Бошқаришда моделлаштириш усули – бошқарилувчи обьектни бошқариш бўйича турли схема, гоафик ва чизмалар, ҳомаки тайёрлаш усули
Бошқаришда кузатиш усули – бошқарилувчи обьект тўғрисидаги маълумотларни режали, илмий, уюштирилган асосда тўплаш усули
Бошқаришда эксперимент усули – бошқариш жараёнида бошқарилувчи обьектга нисбатан намунавий тажрибадан ўтган усулларни қўллаш
Башқарувчи – маҳсус тайёргарлик кўрган бошқаришнинг сирасорлари, қонун-қоидаларини чуқур билувчи малакали мутахассис.
Ижтимоий психологик мұхит – гурӯх ёки жамоадаги психологик кайфият.

Ижтимоий фаоллик – субъектларнинг (жамоа, гурух, шахс) яшаш ёки меҳнат шароитларини яратиш, ўзгартиришга қаратилган фаолият бўлиб, ушбу субъектларни ўзида маълум тузилмавий ва руҳий ўзгаришни келтириб чиқаради.

Кенгаш – жамоа фикри, ақл заковатини муайян маслани мухокама қилиш ва оқилона қарор қабул қилиш мақсадида уюштирилган мажлис.

Мулоқот услуби – инсоннинг ҳар қандай шароитдаги мулоқотда (иш юзасидан мулоқот, шахсий мулоқот, бошқарув услубида) намоён бўладиган индивидуал хулқининг стабил шакли.

Мулоқот – шахслараро муносабатлар ва ўзаро таъсирининг алоҳида шакли

Низо - субъектлар орасида вужудга келган зиддият, қарама-қаршилиқdir

Низо ва ихтилофалар – меҳнат жамоаларидаги энг нохуш холат.

Обрўлилиқ - шахснинг бошқа шахсларга ҳам хиссий-эмоционал, ҳам иродавий таъсир кўрсата олиш, ҳурмат қозона олиш қобилияти.

Педагогик вазият - ўқувчиларга таъсир кўрсатиш йўлини танлашда эътиборга олиш зарур бўлган ўқув гурухи ва ўқувчилар муносабатлари ва ўзаро муносабатларининг мураккаб тизимидағи реал ҳолат.

Педагогик таъсир – тарбияланувчида билим, кўникма, малакаларни шакллантириш мақсадида унинг онги, иродаси, хиссиётларига, фаолияти ва мулоқотига таъсир кўрсатиш.

Педагогик ҳамкорлик - педагогик мулоқотнинг асоси бўлиб, диалог шаклида амалга ошириладиган фаолият.

Педагогик бошқарувнинг таркибий қисмлари - мотивни шакллантириш, мақсадни аниқлаш, БКМларни шаклланиш жараёни назоратини олиб бориш, субъектлар ўртасидаги коммуникатив алоқаларни ўрнатиш.

Раҳбарнинг иш услуби – бошқарув жараёнида у ёки бу масалаларни ҳал қилишда унинг ўзига ҳос ёндашиши.

Раҳбар маданияти – раҳбар одиую ва иқтидори ўртасидаги

боғланиш.

Самара – натижа, оқибат, мева. Маслан, ижодий меҳнат самараси.

Самарадорлик – бу кутилганича ёки ундан ҳам ортиқ самарага эришиш.

Системали ёндашув – бошқарилучи объектга яхлит тизимга каби ёндашиш.

Таълим сифати – бу таълим тизими ва таълим муассасаси фаолиятининг шахсий, ижтимоий ва меъёрий талабларини реал эришиш мумкин бўлган натижалар тавсифи

ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

Маъруза машғулоти учун

1-илова:

Педагогик бошқарувнинг методологик асослари. Педагогик бошқарувнинг мақсади.

Ўқитувчи

—

Бошқарувчи

?



Ўқитувчи фаолиятини бошқарув фаолияти, деб таърифлаш мумкин.

Сабаби, педагог таълим олувчилар фаолиятини бошқаради.

Ижтимоий тизимларда бошқарувчи орган ва бошқарилувчи тизим ҳар иккиси ҳам субъектдир (шахслар ёки ташкилотлар).

Бошқарув бошқарувчи органларининг бошқарилувчи субъектларнинг фаолиятини ташкиллашга қаратилган фаолиятдир.

“Педагог - таълим олувчи” муносабатларини ўз ичига олган педагогик тизимга нисбатан бу таъриф педагогнинг таълим олувчиларнинг таълимий фаолиятини бошқаришни англатади.



Бошқарув мақсади ўқитувчи (ўқувчи) фаолиятидан кутилаётган натижага эришиш экан, ушбу **жараён мезонларини** аниқ тасаввур қилиш зарур.

Бошқарув назарияси бошқариш фаолияти самарадорлиги бошқариш натижасида бошқарилувчи тизимда юзага келган ҳолат **самарадорлик даражаси** билан аниқланади.

Педагогик тизимга нисбатан айтадиган бўлсак, педагогнинг бошқариш фаолияти самарадорлиги ушбу фаолият натижасида талабада рўй берган ўзгаришлар самарадорлиги билан ўлчанади
(режа ва хисоботларнинг тўғри тузилганлиги ёки ўқув машғулотларнинг ноанъянавийлиги билан эмас)



ПЕДАГОГИК БОШҚАРУВ

Таълим

Тарбия

Ривожлантириш

Таъмийиллари
Усуллари
Шакллари

Таъмийиллари
Усуллари
Шакллари

Таъмийиллари
Усуллари
Шакллари

ПБ нинг таркибий қисмлари


мотивни
шакллантириш

мақсадни аниқлаш

БКМ лар
шаклланиш жараёни
назорати


субъектлар ўртасида
коммуникатив
алоқаларини
ўрнатиш


Бугунги кунда тизимли ёндашув дидактик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган янги таълим тизимни мақсадлашдан бошлаб, то унинг самарадорлигини аниқлаш, апробация ва татбиқ қилишгача бўлган жараённи бошқаришда педагогик технологияларни қўллаш имкониятини беради.



З-илова

Педагогик бошқарув методлари			
Маъмурий усуллар	Иқтисодий усуллар	Ижтимоий усуллар	Психологик усуллар
ҳокимият, интизом, жазолашга асосланиш	иқтисодий қонунларни қўллашга асосланиш	шахсга “жамоа фикри” орқали таъсир этишга асосланиш	инсон психологияси, унинг ички дунёсини билишга асосланади






Психологик усуллар муайян педагог ёки талаба шахсига қаратилган:

- *Психологик режалаштириши (жамоада мақбул психологикмуҳитни шакллантиришига қаратилган).*
- *Психология инсоннинг психологик ҳолатини тўғри таҳлил қилиши, унинг психологик портретини тузиш, унинг руҳиятидаги муаммоларни бартараф этиши йўлларини ишлаб чиқиш ва жамоада мақбул психологик муҳитни шакллантиришига ёрдам беради.*
- Ўқув машғулоти жараёнида бошқарув самарадорлигини ошириш учун қатор омилларни инобатга олиш зарур:
 - Машғулот давомида ўқув материалини талабалар томонидан қабул қилинишининг умумий қонуниятларини.
 - Машғулот давомида фаолият турларини ўзгаририб туриш муаммосини.
 - Ўқув машғулоти вақтини тўғри тақсимлаш.
 - Дилактик материалларни мақсадли ва самарали қшллаш.
 - Кўлланиладиган усуларни машғулот тузилмаси, талабалар ёши ва ривожланиш даражасидан келиб чиқиб танлаш.
 - Талабалар ўқув фаолияти натижалари назоратини олиб бориш.
 - Педагог ва талабаларнинг меҳнат муҳофазаси ҳамда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиши.

Педагогик бошқарув тараққиётининг асосий босқичлари ва йўналишлари.


Бошқарувни самарали олиб бориш учун унинг стратегиясини тўғри тузиш керак. Қатор олимлар ўз тадқиқотларида бошқарувни тўрт функциясини ажратиб кўрсатадилар: режалаштириш, ташкиллаш, рағбатлантириш ва назорат. Ушбу функцияларнинг кетма-кет узлуксиз амалга оширилиши бошқариш фаолияти циклини ташкилайди.



5-илова.

«КУБИК» -СТРАТЕГИЯСИ

«Кубиклар» бу машғулотда берилган маълумотларни таҳлил қилишни осонлаштирадиган ўқитиш усулидир. Ушбу усулни қўллаш учун ўқитувчи томонидан куб шаклида ишланган восита тайёрланади.



Унинг ҳар бир томонига талабаларга бериладиган савол ёки топшириқ ёзилади (саволлар узун бўлса, фақат савол рақами ёзилиб, саволларнинг ўзи алоҳида варақларда бўлиши ҳам мумкин). Саволлар мантиқий кетма-кетлигда берилгани маъқул.

Ўқитувчи машғулотда ўрганилган мавзу, асосий факт/ҳодиса номини эълон қилиб, кубикнинг ҳар бир томонига ёзиб қўйилган савол ва топшириқлар асосида унинг таҳлилини амалга оширишни таклиф қиласди. Мазкур машғулот учун ишланган кубик саволлари (кубикнинг 6 та томонига 1 тадан савол/топшириқ):

Таҳлил мавзуси - ПЕДАГОГИК БОШҚАРУВ (ПБ)

7. ПБ нима? (таърифини келтиринг)
8. ПБ қандай? (муҳим хусусиятларини санаб беринг)
9. ПБни нимага ўхшатиш мумкин?
10. ПБни ишлаб чиқаришдаги бошқарув билан таққосланг (бунда умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниqlанг)
11. Ўқитувчи томонидан бериладиган фикр: “ПБ кечиши фақат муайян ўқитувчи маҳоратига боғлиқ” (фикрни ёқланг ёки инкор қилинг, тасдиқловчи ёки инкор этувчи далиллар келтиринг)
12. Машғулотда олган билимингиздан келиб чиқиб, ўз касбий фаолиятингизда амалга оширадиган педагогик бошқарувга қандай коррекция киритган бўлар эдингиз?

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН

1-илова

Концептуал жадвал

Концептуал жадвал

- ўрганилаётган ҳодиса, түшүнчә, қараң, мавзуу шу кабиларни иккى ва ундан ортиқ жиҳат бўйича таққослаш имконини беради.

Тизимли мушоҳада қилиш, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

Концептуал жадвал тузиш қоидалари билан танишилади. Таққосланадиган нарса аниқланади, таққослаш амалга ошириладиган тавсифлар ажратилади.

Якка тартибда ёки мини-гурущларда концептуал жадвал қурилади ва у тўлдирилади;

- вертикал бўйича - таққослаш талаб этиладиган нарсалар (қарашлар, назариялар) жойлаштирилади
- горизонтал бўйича – таққослашни амалга оширишдаги ҳар хил тавсифлар жойлаштирилади.

Ичи натижаси тақдимоти

КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ

Бошқарув услублар турлари	Тавсифлар, тоифалар, ажралиб турадиган белгилар ва шу кабилар			
Авторитар усулб				
Демократик услуб				
Либерал усулб				

Бошқарув услублари.

Юқорида ўқитувчи педагогик жараёнда турли функцияларни бажариши, улар ичидә энг муҳими бошқарув функцияси эканлигини таъкидлаб ўтдик. Педагогик жараён самарадорлиги унинг қандай ташкилланганлиги, қайтувчан алоқаларнинг тўғри ўрналилганлигига тўғридан-тўғри боғлиқ. Ўзаро мулоқотни бошқариш, унга маълум тус бериш ўқитувчи қўлидадир. Бошқарув услублари ҳақида билимга, етарли тажрибага эга бўлган ўқитувчи педагогик жараёнда талабаларга самарали педагогик таъсир ўтказа олади.

Психологияда турли типдаги бошқарувчиларнинг ижтимоий психологик портрети ишлаб чиқилган – бунда уларнинг бошқарувида бўлган жамоа билан мулоқоти техникаси таҳлил қилинади. Ўқитувчи ҳам педагогик жараёнда бошқарувчи функциясини бажаради. Бошқарув услубларининг учта асосий турини ўзаро таъсир қилиш нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Авторитар услуг. Талабалар фаолиятига тегишли барча масалаларни, ҳаттоқи ким қаерда ўтиришигача ўқитувчи якка ўзи ҳал қиласди, талабалар томонидан чиқадиган барча ташаббусни тақиқлайди.

Бу услубни қўлловчи ўқитувчининг мулоқот усуллари буйруқ, кўрсатма, инструкция, танбех. Бундай ўқитувчи талабалар хатога йўл қўйсалар хатони тузатиш йўлини кўрсатиш ўрнига уларни мазаҳлайди, гурӯҳдошлари олдида изза қиласди. Бундай ўқитувчининг гапириши буйруқтомуз бўлади, эътиrozларга йўл қўймайди.

Демократик услуг. Бунда ўқитувчи жамоа фикрига таянган ҳолда иш тутади, фаолият мақсадини барча талабага етказишга ҳаракат қиласди, фаолиятнинг кечишини муҳокама қилишга барчани жалб этади; ўз вазифасини фақат назорат ва мунофиқлаштириш деб билмай, тарбия билан ҳам шуғулланади; барча талабани раҳбатлантиради ва уларда ўз-ўзига ишончни шакллантиради; жамоада ўз-ўзини бошқариш ривожланади. Бу услубни қўлловчи ўқитувчи барча жамоа аъзоларининг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда улар ўртасида вазифаларни тенг бўлишга ҳаракат қиласди; ташаббус ва фаолликни рағбатлантиради. Бундай

ўқитувчи муроқотда қўллайдиган усуллари илтимос, маслаҳат, ахборот беришдир.

Либерал услугуб — бошқача қилиб айтганда, анархик. Ўқитувчи жамоа ҳаётига умуман аралашмасликка ҳаракат қиласи, фаоллиги суст, муаммоларни юзаки кўриб чиқади, бошқаларнинг таъсирига осон тушиб қолади. Маъсулиятдан ўзини олиб қочади ва ўз авторитетини йўқотади.

Бошқаришнинг авторитар услугуби қўлланилганда гуруҳдаги иш самарали кечеётгандек туйилади. Лекин бундай услугубда бошқариладиган жамоада номувофиқ психологик муҳит шакланади. Социологлар таъкидлашича, айнан шундай жамоаларда невротиклар кўп учар экан. Муроқотдаги авторитарлик ҳар хил қўринишларда учрайди. У яширин, билвосита бўлиши ҳам мумкин.

Бошқаришнинг энг самарали услугуби демократик услугубдир. Бунда сон жиҳатидан кўриб чиқиладиган кўсаткичлар авторитар услугуб қўлланилган жамоаниқидан пастроқ бўлиши мумкин, лекин талабалар билим олишга ўзлари ошиқадилар, талабалар ижодий ишларни бажаришга ҳаракат қиласидилар, уларда мусъулият хисси шакланади. Услубларнинг энг самарасизи либерал услугубдир. Унда камроқ ишлар амалга оширилади, сифати ҳам паст бўлади.

Авторитар услугуни кўпроқ тажрибаси кам ёки маданияти паст даражада бўлган, талабаларни ўзига ҳос хусусиятларини менсимайдиган, тарбияланувчилар ўз-ўзини бошқариши тамойилига риоя этмайдиган ўқитувчилар қўллайдилар.

Авторитар услугуни бартараф этишга жамоада юқори аҳлоқий муносабатлар, инсонпарварлик ғояларига асосланган ҳақиқий муомала маданиятини ўрнатилиши, педагогик бошқарув билан бир қаторда ўз-ўзини боқаришни ҳам ривожлантириш орқали эришилади.

3-илова – Тарқатма материал

Педагогик вазият

Университетда фалсафа фанидан машғулот пайтида З.Хасанов ўқитувчи бераётган маълумотлардаги фикрга зид фикр берди ва ўз нуқтаи назарини Интернет-сайтида жойлаштирилган инглиз тилида берилган мақоладаги фикрлар билан исботлашга харакат қилди. Ўқитувчи унга қуидагича жавоб берди:

- Маъруза матнини йирик олимлар тадқиқотларига асосланиб тузганман. Шу олимлар билан баҳслашиш учун кучинг етадими? Кўп майнавозчилик қилмасдан ўтирангчи.

4-илова – Тарқатма материал

Таҳлил алгоритми (гурухий фаолият):

- Ўқитувчига вазият юзасидан аниқлаштирувчи саволларни шакллантиринг ва уларни ўқитувчига беринг.
- Олинган маълумотлардан келиб чиқиб, вазиятни қайтадан кўриб чиқинг.
- Педагогик вазият муаммосини аниқланг ва шакллантиринг.
- Балиқ скелети график органайзери асосида муаммо деталларини аниқлаштиринг.
- Педагогик вазият сабабларини “Нима учун” график органайзер асосида аниқланг.
- Педагогик вазият ечим йўлларини “Қандай?” усули асосида ишлаб чиқинг.
- Ишлар тақдимотини ўтказинг, гурухлар ишлари муҳокамасида қатнашинг.

5 – илова – Тарқатма материал

Ролли ўйини бўйича йўриқнома

- тингловчиларни жуфтлиларга бўлининг;
- тингловчиларга ўз касбий фаолияти давомида кузатган (ёки ўзи иштирокчиси бўлган) битта муаммоли педагогик вазиятни айтиб беринг;
- ушбу вазиятларнинг педагогнинг тўғри ҳатти-харакатларини ишлаб чиқинг ва шеригингиз билан уларни рол ижро этиш орқали бажаришга тайёрланинг;
- ролларни ижро этинг.

Фан бўйича мустақил таълим мазмуни.

Мавзулар:

4. “Педагогик жамоа - Педагог”, “Педагог – талаба” тизимида ўзаро муносабатларни самарали ўрнатишни муракаблаштирувчи омиллар. “Талаба – Педагог – Оила” тизими самарадорлигини ошириш йўллари.
5. Педагогик бошқарувда етакчилик (лидерлик) моделлари.

Вазифа мавзу бўйича маълумотларни ўрганиб чиқиши, конспект тузииш, қуийидаги саволларга жавоб бериш:

- 1.“Педагогик жамоа - Педагог”, “Педагог – талаба” тизимида ўзаро муносабатларни самарали ўрнатишни муракаблаштирувчи омиллар.
2. “Талаба – Педагог – Оила” тизими самарадорлигини ошириш йўллари.
6. Педагогик бошқарувда етакчилик (лидерлик) моделларини тавсифлаб беринг.

Фан бўйича кўчма машғулот мазмуни.

Мавзу: Педагогик бошқарув самарадорлигини таъминлаш техникаси.

Олий таълим муассасасида ўқув машғулотини кузатиш ва ўқитувчининг машғулот давомида қўллаган бошқарув услубини, қўллаган педагогик бошқарув самарадорлигини таъминлаш техникаларини аниqlаш (максимал балл 5).

№	Сифат	балл
1	Машғулот мавзусига ўқитувчининг муносабати ва унинг намоён бўлиши (илҳомланиш, экспрессия);	
2	Ўз ўзини, ўз кайфиятини бошқара олиши.	
3	Талабаларни мавзуга қизиқтира олиши	
4	Талабаларда ўзига нисбатан илиқ муносабат, хурмат хисларини уйғота олиши;	
5	Талабалар диққатини мавзуга жалб қила олиши, диққатнинг турғунлигини таъминлай олиши;	
6	Ўзини самимий (зўриқишсиз) тута олиши;	
7	Ёрқин индивидуал хусусиятларга эгалиги;	
8	Нутқи ва харакатларининг эмоцияларга бойлиги;	
9	Нутқининг таъсирчанлиги;	

10	Нутқининг бойлиги;	
11	Нутқда мантикий урғуларни түғри қўллаши;	
12	Машғулотда юморни қўллаши;	
13	Мавзуни ёритишга ностандарт ёндашганлиги;	
14	Ҳаракатлар, қўл ҳаракатлар ва мимикасини таъсирчанлиги;	
15	Таъсирчан, ёрқин мисоллар келтира олиши;	
16	Педагогик вазиятларни тезлик билан илғай олиши, таҳдил қилиши ва ундан чиқиб кетиши;	
17	Талаба ҳаракати, мимикасидан келиб чиқиб, унинг ҳаёли, кайфияти, фикрларини “ўқий олиши”;	
18	Педагогик экспромтга қодирлиги;	
19	Аудитория билан қайтувчан алоқани стабил ўrnата олиши;	
20	Зарурат бўлса, машғулот режасини самарали ўзгартириб юборишга қодирлиги;	
21	Машғулот давомида талабалар билан ҳамкорликни ўrnата олиши;	
22	Педагогик тактни ривожланганлик даражаси;	
23	Рефлексияга қодирлиги.	

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -384 б.
 2. Каримов И.А. 2014 йил 17 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги нутқ.
 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъодод” Жамғармаси, Республика таълим муассасалари раҳбар кадрларининг «Таълим муассасалари бошқаруви» курси материаллари – 2013.
 4. Алимов Х.М. Бошқарув мулоқотининг психологик асослари – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъодод” Жамғармаси, Республика таълим муассасалари раҳбар кадрларининг «Таълим муассасалари бошқаруви» курси материаллари.
 5. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат»- Т: Чўлпон, 2005. 213 б.
 6. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. – 2002. №7. С. 12-16.
 7. Ҳайитов О.Э, Лутфуллаева Н.Х. Психодиагностика ва амалий психология. Маъruzалар матни тўплами. – Т.: 2005.
 8. Чернышев А.С. Практикум по решению конфликтных педагогических ситуаций. – М., 1998. 221 с.
 9. Шугуров М.В. Социальный конфликт и самоосуществление личности. – Саратов, 1994. 236 с.
 10. Югай А.Х. Лабораторно-практические занятия по психологии - Т.: ТДПУ, 2008. 92 с.
 11. Шалагинова Л.В. «Психология лидерства». С-Пб., 2007.
 12. Уралова М. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат (услубий кўрсатма) – Фаргона, ФДУ, 2008.
- ### **Интернет маълумотлари:**
1. <http://www.uz>
 2. <http://www.infocom.uz>
 3. <http://www.uforum.uz>
 4. <http://www.ziyonet.uz>
 5. <http://www.edu.uz>